Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 8 февраль, № 28 (8923) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 февраль куни Япония Бош вазирининг махсус маслаҳатчиси Акихиса Нагасима бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорлик ва амалий шерикликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Махсус маслаҳатчи Акихиса Нагасима давлатимиз раҳбарига Япония Бош вазири Сигеру Исибанинг саломи ва шахсий мактубини етказди.

Япония Ўзбекистонда қонун устуворлигига асосланган эркин ва очиқ халқаро ҳамкорликни таъминлаш ва мустаҳкамлашда ўзининг ишончли ва узоқ муддатли стратегик шеригини кўраётгани таъкидланди.

Япония ҳукумати иқтисодий ва инновацион ҳамкорлик, энергетика, саноат, инфратузилма ва ижтимоий соҳалардаги кооперация, жадал таълим ва маданий алмашинувлар, туризм ва меҳнат миграцияси дастурлари, шунингдек, самарали минтақавий ҳамкорлик каби кенг кўламли йўналишларда икки томонлама муносабатлар жадал ривожланиб бораётганини юксак баҳолаётгани алоҳида қайд этилди.

2024 йилда мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 35 фоизга ошди. Японияннинг етакчи компания ва банклари билан лойиҳалар портфели 12 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда. Ўзбекистонда 100 га яқин қўшма корхона ва ташкилотлар, жумладан, Ўзбекистон — Япония маркази муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон етакчиси олий ва юқори даражадаги фаол мулоқотлар ва ўзаро ташрифларни давом эттириш муҳимлигини қайд этди. Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий-техник соҳалардаги, шу жумладан, Япония ҳукуматининг Тараққиётга кўмаклашиш дастури доирасидаги ҳамкорликнинг кун тартиби сермазмун экани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Япония ҳукуматига жорий йил апрель ойида Осака шаҳрида бошланадиган "Экспо" бутунжаҳон кўргазмасини муваффақиятли ўтказишни тилади.

Бўлажак "Марказий Осиё + Япония" форматидаги биринчи саммитга тайёргарлик доирасида минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА.

ҲУДУДЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 февраль куни ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Уч йил олдин бу борада катта дастур қилингани бугун натижасини беряпти. Сервис соҳасида қўшимча 1,5 миллион аҳоли доимий даромадга эга бўлди. Хизматлар миқдори 2018 йилдаги 19 миллиард доллардан 65 миллиард долларга ошди. Айниқса, ахборот технологиялари, молиявий хизматлар, туризм, авиация, таълим ва тиббиёт соҳаларида "катта сакраш" бўлди.

Булар яхши, албатта. Лекин имкониятлар бундан жуда кўп. Уларни ҳаётга татбиқ этишда ҳудуд ва соҳаларда яхлитлик йўқ.

Масалан, Хоразмга 6 миллион турист жалб этиш режа қилинган. Лекин бунинг учун самолёт ва поездлар қатнови етарли эмас. Тиббиёт, авиация ва энергетикада хусусий сектор иштирокидаги лойиҳалар 20 миллиард доллардан ошган. Аммо ичимлик суви, канализация ва йўл қурилишида бундай лойиҳалар деярли йўқ.

Йиғилишда шу каби муаммолар таҳлил қилиниб, ҳудуд ва соҳалардаги улкан имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

Сўнгги етти йилда аҳоли даромади ва тўлов қобилияти 2 карра ўсгани натижасида хизматларга талаб ортаётгани қайд этилди. Бунинг учун вазирлар ва ҳокимлар хизмат турларини кўпайтириш бўйича ҳар куни изланиб, тадбиркорларга йўл очиши кераклиги таъкидланди.

Бу йил хизматлар ҳажмини 15 фоизга ошириб, 82 миллиард долларга, экспортини эса 8,5 миллиард долларга етказиш, соҳада 2,5 миллион одамни даромадли қилиш мўлжалланган.

Энг катта имконият банк-молия соҳасида. Жумладан, девелоперларга янги мавзелар ҳудудининг 10 — 15 фоизини нотураржойга ўтказишга рухсат берилган. Бундан самарали фойдаланиш мақсадида банклар орқали девелоперлардан мулкларни тўғридан-тўғри сотиб олиш ва тадбиркорларга қулай шартларда ижара ёки лизингга бериш таклифи билдирилди. Бу орқали 50 минг квадрат метр нотураржойлар муомалага кириши, 100 минг иш ўрни яратилиши мумкин.

Молиявий хизматлар ҳажмини 30 фоизга ошириш кўзда тутилган. Маҳалла банкирлари иш бошлаб, аҳолига яқинлаштирилгани бунда қўшимча имконият. Хусусан, одамлар кўп мурожаат қиладиган кадастр, солиқ, адлия маълумотларини банклар орқали ахборот тизими билан боғлаш хизматлар ҳажмини оширади.

Бу йилдан туманларда сервисни ривожлантириш бўйича янгича ёндашув бўлади. Бу борада 1 минг 156 та драйвер лойиҳа маҳаллий Кенгашларда тасдиқланди. Уларнинг инфратузилмасига 1 триллион сўм йўналтирилади.

Жумладан, жорий йилда 72 та соҳил бўйи дам олиш масканлари, туну кун ишлайдиган 154 та туризм ва гастрономик кўча ташкил этилади. 62 та истироҳат боғи замонавий қиёфага келтирилади. 364 та йўл бўйи ва бошқа сервис объекти барпо қилинади.

Икки йил олдин савдо ва хизматлар соҳасидаги корхоналарга ижтимоий солиқ 1 фоиз этиб белгиланган эди. Ўтган даврда корхоналар сони 1,5 карра ошган. Муҳими, кўп тадбиркорлар "соя"дан чиқиб, ойлик маошни тўғри кўрсатишга ўтгани натижасида иш ҳақи 3,2 карра кўпайиб, қўшимча 2,1 триллион сўм солиқ тушган.

Шуларни инобатга олиб, мазкур имтиёз муддатини яна уч йилга узайтириш таклифи маъқулланди. Энди бу имтиёз сервис корхоналарининг камида 3 миллион сўм ойлик маош оладиган 30 ёшгача бўлган ишчиларига қўлланади. Қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишчилар билан қисқа муддатли, соддалашган меҳнат шартномаси тузиши мумкин бўлади.

Сўнгги уч йилда 27 турдаги давлат хизматлари хусусий секторга берилди. Лекин вазирликлар тизимида тадбиркорлар қила оладиган хизматлар ҳали кўп. Бу йил яна 29 та давлат хизмати хусусий секторга ўтказилиши айтилди.

Ер участкалари ва давлат мулкини ижарага олиш ёки хусусийлаштириш бўйича очиқ, шаффоф, манфаатли шартларни ишлаб чиқиш ҳамда тадбиркорларга эълон қилиш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 20 декабрда имзоланган ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги тизимига оид Фармони бу борада катта имконият яратди. Унга кўра, бу йил 1 мартдан бошлаб, 10 минг квадратгача бўлган ва 6 ой давомида сотилмаган туманлардаги давлат объектлари тадбиркорларга 10 йилга тўғридан-тўғри ижарага берилади. Тўрт йил давомида ижара ҳақи вақтида тўланса, бу жой тадбиркорга хусусийлаштириб берилади. Ёшларни IT ва чет тилига ўқитиб, халқаро сертификат берадиган тадбиркорлар биринчи йил ижара тўламайди.

Давлатимиз раҳбари масофавий хизматлар экспортини янги босқичга кўтариш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун хорижий давлатлардаги хизматлар бозори ва талабларни ўрганиб, шунга мос мутахассислар тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Бу йил креатив иқтисодиётдаги стартап лойиҳалар учун 50 миллион доллар ажратилган. Бу орқали ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, чет эл компанияларида ишлаётган юртдошларимизни жалб этиш мақсад қилинган.

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН — 2030» СТРАТЕГИЯСИНИ «АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» ЙИЛИДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ва **Олий Мажлис палаталарининг** мажлисларида белгиланган **вазифаларнинг ижросини** оғишмай ташкил этиш, **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисида ҳадли конвенциясининг Киото протоколи ва Париж битими** доирасида мамлакатнинг глобал ҳамжамият олдида олган мажбуриятларини бажаришда тармоқ ва соҳаларнинг уйғун "яшил трансформация"сини амалга ошириш, уларнинг рақобатбардошлиги ва ресурс тежамкорлигини таъминлаш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш ҳамда аҳолининг яшаш сифатини яхшилаш ва иқтисодий ўсишнинг янги "яшил ривожланиш" моделига ўтиш мақсадида:

1. **"Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили**да мамлакат ривожланишининг **устувор ёндашувлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

маҳаллаларнинг экологик қиёфасини яхшилаш, **кўчаларда яшиллик даражаси**ни ошириш, экологик жиҳатдан қулай ва фаровон яшаш муҳитини шакллантириш;

аҳолининг саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва **инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш** учун шарт-шароитларни яратиш;

табиий ресурсларни тежаш ва **улардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш**;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, кўпайтириш ва кейинги авлодга етказиш ҳамда биологик хилма-хилликни сақлаш;

"яшил иқтисодиёт" тамойилларини кенг жорий қилиш, иқтисодиётни иқлим ўзгаришига мослаштиришга қаратилган лойиҳаларни барқарор молиялаштириш;

республика энергобалансида қайта тикланувчи энергия улушини ошириш, шу жумладан, **давлат-хусусий шериклик** асосида йирик **"яшил энергия"** станцияларини барпо этиш, ҳудудларда **кичик ва микро гидроэлектр станциялари** тармоғини кенгайтириш, аҳоли хонадонларида қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш;

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада замонавий энерготежамкор технологияларни кенг қўллаш орқали иқтисодиётда **"углерод изи"**ни камайтириш;

экологик барқарорликка йўналтирилган **ҳудудлар ва тармоқлараро мувофиқлаштирув**ни таъминлаш.

Белгиланган устувор ёндашувлар **ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишни кўзда тутувчи иқтисодий ривожланиш моделига** ўтиш орқали **2030 йилгача** ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсишини камида **6 фоиз** ва унинг ҳажмини **200 миллиард АҚШ доллари**га етказиш, инфляцияни **5 фоиз**, бюджет тақчиллигини ялпи ички маҳсулотга нисбатан **3 фоиз даражасида** сақлаш, **камбағалликни қисқартириш** ва **аҳоли фаровонлигини ошириш** мақсадларига эришишга асос бўлади.

(Давоми 2, 3-бетларда).

«АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ШАРҚ РЕНЕССАНСИ» IV ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли симпозиум қатнашчилари!

Муҳтарам меҳмонлар!

Аввало, сиз, азизларни **"Алишер Навоий ва Шарқ Ренессанси"** IV халқаро симпозиумининг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Қадимий Ўзбекистон заминида, гўзал Зарафшон воҳасида Шарқ Уйғониш даврининг ёрқин намояндаси, буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий номи билан аталадиган навқирон шаҳарда илк бор ўтказилаётган ушбу форумнинг нуфузи дунё миқёсида тобора ортиб бормоқда. Бу галги анжуманда Осиё, Африка, Европа ва Америка қитъалари мамлакатларидан кўплаб таниқли олим ва тадқиқотчилар иштирок этаётгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Мазкур анжуман Навоий вилоятида "Алишер Навоий йили" деб эълон қилинган жорий йилда, улуғ аждодимизнинг 584 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланаётган кунларда ўтаётгани унинг файзи ва шукуҳини янада оширмоқда.

Қадрли дўстлар!

Жаҳон адабиёти ва тафаккури тарихида ўчмас из қолдирган Алишер Навоийнинг серқирра ижтимоий-сиёсий, ижодий, илмий-маърифий фаолияти, бой адабий-бадиий мероси асрлар давомида юксак инсонпарварлик, Ватанга садоқат, адолат ва эзгулик тимсоли сифатида ҳамиша жаҳон аҳлининг эътиборини тортиб келмоқда.

Ҳазрат Мир Алишер Навоий ўта мураккаб шароитда миллий ва умуминсоний ғояларни баланд кўтариб майдонга чиққани, ўзбек адабий тилига асос солиб, унинг ўлмас руҳи, қудрати ва латофатини ҳар томонлама исботлаб бергани чинакам маънавий жасорат намунаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу мумтоз сиймо жаҳон адабиёти мезонларига, замон ва тарих синовларига тўла жавоб берадиган дурдона асарлар яратиб, нафақат ўзбек, балки барча туркий адабиётлар ривожига беқиёс ҳисса қўшгани ҳам юксак ҳайрат ва таҳсинга муносибдир.

Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий мероси ҳақли равишда жаҳон адабиёти даҳоларининг буюк асарлари билан бир қаторда туриши бизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Айниқса, мутафаккир аждодимизнинг турли халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, башариятнинг ёруғ келажагини биргаликда қуришга чорлайдиган ғоя ва қарашларининг аҳамияти ҳозирги таҳликали даврда тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда биз Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессансни барпо этиш жараёнларида Алишер Навоий асарларини ўзимиз учун битмас-туганмас куч-ғайрат ва илҳом манбаи деб биламиз. Шу боис бу ноёб маънавий бойликни чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, шу борада юртимиз олимлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётган сиз, азизларга, барча илм-фан намояндаларига чуқур миннатдорлик билдираман.

Ушбу анжуманга пухта тайёргарлик кўрган, Алишер Навоийнинг таваллуд айёмини катта шоду хуррамлик ва бунёдкорлик ишлари билан кутиб олаётган Навоий шаҳри ва вилояти аҳлига, мутасадди раҳбарларга ҳам самимий ташаккур изҳор этаман.

Сизларни яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, илмий ва ижодий фаолиятингизда улкан ютуқ ва омадлар, анжуман ишига эса муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР МИР АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ ЮРТИМИЗ ВА ЖАҲОН МИҚЁСИДА КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ҲАМДА НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА «АЛИШЕР НАВОИЙ ЙИЛИ»НИ ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Буюк шоир ва мутафаккир, халқпарвар давлат арбоби Мир Алишер Навоийнинг бебаҳо мероси эл-юртимиз маънавий ҳаёти ва дунё адабиёти ривожида алоҳида муҳим ўрин тутади. Ул зотнинг муборак сиймоси умрини Ватан ва халқ саодати учун бахш этишни ҳаёт маслаги деб биладиган фидойи шахсларни тарбиялашда барча даврлар учун юксак идеал намунаси бўлиб хизмат қилади.

Сўнгги йилларда улуғ аждодимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилди, жумладан, халқаро илмий экспедициялар ташкил этилди, шоир асарларини хорижий тилларга таржима қилиш ва нашр этиш ишлари давом эттирилмоқда.

Буюк гуманист, адолат ва эзгулик қўйчиси, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт ҳомийси Алишер Навоийнинг умумбашарий аҳамиятга эга ўлмас меросини янада теран тадқиқ этиш, халқимиз ва жаҳон аҳлини бу улкан бойликдан ҳар томонлама баҳраманд этиш мақсадида:

1. Маданият вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамда кенг жамоатчиликнинг Алишер Навоий таваллудининг 584 йиллиги муносабати билан **Навоий вилоятида 2025 йилни "Алишер Навоий йили" деб номлаш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Алишер Навоий ижодий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш ҳамда Навоий вилоятида "Алишер Навоий йили"ни юқори даражада ўтказиш бўйича **республика комиссияси** (кейинги ўринларда — Республика комиссияси)нинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Алишер Навоий меросини ўрганиш ишларини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида юртимиз ва чет элларда тизимли асосда илмий изланишлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини эълон қилиш, ушбу мавзуда янги илмий, бадиий ва оммабоп асарлар яратиш, хориждаги навоийшунос олим ҳамда ижодкорларнинг асарларини ўзбек тилида нашр этиш чораларини кўриш;

Навоий сиймоси тасвирланган, унинг шахси, илмий-маърифий мероси, давлат арбоби сифатидаги фаолиятига бағишланган кўргазмали ахборот воситаларини тайёрлаш, медиамаҳсулотлар ва аудиовизуал асарлар яратиш, уларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ҳамда ижтимоий тармоқларга жойлаштиришни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги элчихоналари, ўзбек миллий маданий марказлари, ватандошлар жамиятларида Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти, инсонпарварлик ғояларини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида илмий анжуманлар ҳамда давра суҳбатлари ташкил этиш;

мазкур жараёнда вазирлик ва идоралар, илмий ва ижодий, маърифий муассасалар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш;

ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, чора-тадбирларни молиялаштириш билан боғлиқ харажатларни Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро грантлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилишини ташкил этиш, маблағларнинг тақсимланиши ва сарфланишини назорат қилиш.

(Давоми 3-бетда).

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2025 йил 8 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН – 2030» СТРАТЕГИЯСИНИ «АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» ЙИЛИДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. **2025 йилда “яшил иқтисодиёт”** тамойилларини кенг жорий қилиш, иқтисодиётни декарбонизация қилиш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишга қаратилган лойиҳаларни барқарор молиялаштириш борасида:

Париж битимининг талабларидан келиб чиқиб, **Ўзбекистоннинг углерод нейтраллигига эришишининг узоқ муддатли стратегияси** ишлаб чиқилиши;

иқлим ўзгаришига мослашиш, “яшил технология”лар трансфертини инобатга олган ҳолда глобал миқёсда мамлакатимизнинг келгуси **5 йилда иссиқхона** газларини қисқартириш бўйича Миллий миқёсда белгиланган **ҳиссаси (NDC)** эълон қилиниши;

метан эмиссиясини қисқартириш мажбурияти доирасида табиий газ, чиқиндилар ва чорвачилик соҳаларида **метан эмиссиясининг базавий ҳолати аниқланиши**;

умумий қуввати **4,5 ГВт** бўлган йирик **қуёш** ва **шамол** электр станциясини ишга туширш, қуввати **785 мегаватт** бўлган қуёш панелларини ўрнатиш, қуввати **225 мегаватт** бўлган **гидроэлектр станцияларини** барпо этиш орқали жами қайта тикланувчи энергия манбалари улуши электр энергияси ишлаб чиқаришда **26 фоиз**га ва жами генерация қувватлари таркибидаги улуши **40 фоиз**га етказилиши;

янги қуриладиган бино-иншоотлар ва уй-жойлар энергия самарадорлигидан келиб чиқиб, “Яшил бино” сертификати жорий этилиши таъминлансин.

Мазкур банднинг сўзсиз, сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлашга масъул этиб тегишинча Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири **Ж.Кўчқоров** ҳамда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири **А.Абдухакимов** белгилансин.

3. Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамахмудов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда:

2025 йилда **қуёш панеллар**и ва гелиоколлекторларни туман ва шаҳарлар кесимида ўрнатиш дастурини;

2025-2026 йилларда республика ҳудудларида **микро гидроэлектр станцияларини қуриш дастурини** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. **“Тежамкорлик ва барқарорлик” тамойили** асосида давлат иштирокидаги йирик корхоналарни **трансформация қилиш** ва ишлаб чиқариш харажатларини **15 — 20 фоизгача** қисқартириш мақсадида **2025 йил якунига қадар**:

йирик стратегик корхоналар томонидан экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойиллари асосида корпоратив дастурлар ишлаб чиқилиб, камида **5 та** йирик саноат корхонасида **ESG миллий ҳисоботи** йўлга қўйилиши ва жамоатчиликка ошкор этиш амалиёти жорий этилиши;

“Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ, “Uzbekistan Airports” АЖ, “Uzbekistan Airways” АЖ томонидан **ESG рейтинги олиниши**;

Самарқанд ва Фарғона вилоятларида тажриба-синов тариқасида **экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат зоналари** ташкил этилиши таъминлансин.

Мазкур банднинг сўзсиз, сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлашга масъул этиб тегишинча Бош вазир ўринбосарлари **Ж.Кўчқоров, Ж.Ходжаев** ва экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири **А.Абдухакимов** белгилансин.

5. **2025 йилда** маҳаллаларнинг экологик қиёфасини яхшилаш, кўчаларда яшиллик даражасини ошириш, экологик жиҳатдан қулай ва фаровон яшаш муҳитини шакллантириш борасида:

аҳоли учун барпо этилаётган пиёдалар ва алоҳида велосипед йўлаклари бўйида дарахтлар ва ўсимликларни экиш орқали **“Сояли сайр кўчалари”** тармоғи яратилиши, соҳил ва дарё бўйларида **80 та** инфратузилма объекти ва **110 километр**дан ортиқ **соғломлаштириш йўлаклари** қурилиши;

ёмғир ва оқова сувлардан самарали фойдаланиш, маҳаллалардаги дарахтларни замонавий сув тежовчи технологиялар орқали суғориш тизимини жорий этиш натижасида яшиллик даражаси оширилиши;

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ва **“Менинг боғим” лойиҳаси** доирасида **200 миллион** туп дарахт ҳамда буталар экилиши, “яшил боғлар” ва “яшил жамоат парклари”да **қуёш панеллари ёрдамида қувватланувчи ёритқичлардан** фойдаланилиши;

Орол денгизи тубида **100 минг гектар “яшил майдон”** барпо этилиши ва Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорлар **2,1 миллион гектарга** етказилиши;

ўрмон билан қопланган майдонлар **4,1 миллион гектарга** етказилиши ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар **14,5 фоизгача** кенгайтирилиши ҳамда уларнинг экотуризм, кўчатчилик ва дориворчилик йўналишларидаги **фойдаланилмаётган захиралари аниқланиб,** уларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилиши ва аҳолининг даромадлари оширилиши;

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг танланган ҳудудларида **шўр ва сувсизликка** чидамли ўсимликлар (галофит) боғлари ташкил этилиши;

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сурхондарё, Жиззах, Фарғона ва Тошкент вилоятларида давлат “ин-витро” лабораториялари ташкил этилиши, шунингдек, хусусий “ин-витро” лабораторияларини барпо этишга тадбиркорлик субъектларига кредитларни ажратиш учун халқаро молия институтларидан камида **30 миллион АҚШ доллари** миқдорида маблағлар жалб этилиши;

жамоатчилик, экофаоллар ва бизнес вакилларининг **табиатни муҳофаза қилиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлаш** акселерация тизими жорий этилиши таъминлансин.

Мазкур банднинг сўзсиз, сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлашга масъуллар этиб тегишинча Бош вазир ўринбосари **Ж.Ходжаев**, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири **А.Абдухакимов**, қишлоқ хўжалиги вазири **И.Абдурахмонов**, иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари **И.Норқулов**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

6. **2025 йилда** аҳолининг **саломатлигини яхшилаш**, **экологик** турмуш тарзини шакллантириш ва **инсон салоҳиятини** рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш борасида:

а) аҳолининг кундалик **ҳаётига экологик тамойилларни сингдириш** орқали мамлакатимизда **“Экофаол фуқаро”** ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган **“Бир миллион яшил оила” умуммиллий ҳаракати** йўлга қўйилсин ва аҳоли орасида тарғиб қилиш ишлари ташкил этилсин. Бунда унинг **асосий тамойиллари** этиб қуйидагилар белгилансин:

аҳоли орасида **соғлом турмуш тарзи**, хусусан, **тиббий маданиятни** ошириш, **соғлом овқатланиш**, кунлик **юриш** ва **югуришни тарғиб қилиш**;

“яшил транспортда”, шу жумладан, **велосипедда** ҳаракатланишни рағбатлантириш;

пластик маҳсулотлардан фойдаланишни камайтириш;

озиқ-овқат исрофгарчилигининг олдини олиш;

сув, газ ва **электр энергияси** ресурсларидан оқилона фойдаланиш;

чиқиндиларни **турларига қараб саралашни** йўлга қўйиш;

б) тиббиётнинг бирламчи бўғинида қуйидагиларни назарда тутувчи **трансформация босқичма-босқич** амалга оширилсин:

оилавий поликлиникалар, оилавий шифокорлик пунктлари ва маҳалла тиббиёт пунктларида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишнинг самарали тизимини жорий этиш;

кўп тармоқли марказий поликлиникалар фаолиятини марказий шифохоналарнинг маслаҳат диагностика поликлиникаси сифатида йўлга қўйиш;

марказлашган лабораториялар ташкил этиш, шифокор **қабулига навбатни тўлиқ электрон** шаклга ўтказиш, шунингдек, давлат томонидан санитария-гигиена нормаларига риоя этилиши устидан назорат кучайтирилган ҳолда стоматология хизматини аутсорсинг асосида **хусусий секторга бериш**;

тиббиёт ходимларининг **малакасини** ошириш, тиббиёт ходимлари меҳнат **самарадорлигини баҳолаш** кўрсаткичларини ишлаб чиқиб, самарадорликка эришган ходимларнинг ойлик маошларига **қўшимча устамани** жорий этиш;

вилоят даражасидаги ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини зарур ўрин-жойларни *(койка)* яратган ҳолда бошқарув, молия ва ташкилий жиҳатдан замонавий **кўп тармоқли клиникалар шаклида қайта ташкил этиш**;

в) инсон салоҳиятини юксалтириш, таълим учун қулай муҳит яратиш ишларини ташкил этиш мақсадида **2025/2026 ўқув йилидан**:

Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети **экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши** каби таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича **етакчи олий таълим ташкилоти** этиб белгилансин;

Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетида **“циркуляр иқтисодиёт”** таълим йўналишида **кадрлар тайёрлаш** амалиёти йўлга қўйилсин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетига бириктириладиган **“яшил техникумлар”** фаолияти йўлга қўйилсин;

табиий фанлар, муҳандислик-техника, иқтисодиёт ва молия йўналишларидаги давлат олий таълим ташкилотларида **“Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил ривожланиш”** фани ва ўқув дастурлари киритилсин;

олий таълимда **грант ўринларини** босқичма-босқич ошириш ҳисобига **аниқ ва табиий фанлар**, **муҳандислик-техника**, **хизматлар**, **тиббиёт** каби соҳаларда давлат буюртмаси **25 мингтага** етказилсин;

“Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши таълим дастурлари асосида таълим олиш учун стипендия танловига **20 тагача** квота ажратиб борилсин;

республиканинг ҳар бир туманида (шаҳрида) босқичма-босқич **инклюзив таълим талабларига жавоб берадиган** камида **биттадан умумтаълим мактаби фаолияти** ташкил этилсин;

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 3,5 минг камбағал оилалар фарзандларини тайёрлаб, олий таълим ташкилотларига белгиланган тартибда **грант асосида** қабул қилиш ишлари ташкил этилсин;

г) **2025 йил 1 мартга қадар** тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг инсон саломатлигига фойдасини тарғиб қилишни кучайтириш дастури ишлаб чиқилсин;

д) **2025 йил 1 августга қадар** озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш, бошқариш ва мониторинг қилиш мақсадида идоралараро яхлит Миллий ахборот платформаси ишлаб чиқилсин.

Мазкур банднинг сўзсиз, сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлашга масъуллар этиб тегишинча соғлиқни сақлаш вазири **А.Худаяров**, спорт вазири **А.Икрамов**, камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири **Б.Захидов**, олий таълим, фан ва инновациялар вазири **К.Шарипов,** экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири **А.Абдухакимов**, қишлоқ хўжалиги вазири **И.Абдурахмонов** белгилансин.

7. Қуйидагилар:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худаяров, Э.Адилов) **2025 йил 1 июлга қадар** тиббиёт ва фармацевтика ходимлари фаолиятини босқичма-босқич **давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини** аниқ механизмларни назарда тутган ҳолда жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин;

Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худаяров, Э.Адилов) билан биргаликда **2025 йил 1 ноябрга қадар** тиббий суғурта механизмлари жорий қилинаётган ҳудудларда рецепт асосида бериладиган дори воситаларини **“электрон рецепт” тизими** асосида тайинлаш амалиётини йўлга қўйсин.

8. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов) ва Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) **2025 йил 1 июнга қадар “Бир миллион яшил оила” умуммиллий ҳаракати** доирасида қуйидагиларни назарда тутувчи платформани ишга туширсин:

экологик тамойилларни ўзининг кундалик ҳаётига жорий этишда юқори кўрсаткичларга эришганларга **“Экофаол фуқаро” мақомини** бериш ҳамда улар учун давлат хизматларидан фойдаланишда **10 фоиз** чегирма ва давлат улуши **50 фоиздан юқори** бўлган банкларда истеъмол кредитини олишда чегирма тақдим этиш;

оиланинг барча вояга етган аъзолари **“Экофаол фуқаро”** мақомини олганда, ушбу оилага **“яшил оила”** мақомини бериш ҳамда уларга ҳар йили очиқ танлов орқали **14 та электромобиль** бериш;

аҳолисининг ярми **“яшил оила”** мақомини олган маҳаллаларда **“Энг тоза маҳалла”** ва **“Энг яшил маҳалла”** танловларини ўтказиш ва ғолиб бўлган маҳаллалар жамғармасига маҳалла аҳолисининг таклифларини ўрганган ҳолда маҳалланинг ички инфратузилмасини янада яхшилаш тадбирларини молиялаштиришга, хусусан **йўлларни таъмирлаш**, энерготежамкор **ёритиш ускуналарини** ўрнатиш, **болалар майдончасини** қуриш, **“яшил боғ”** яратиш ва **ўриндиқлар** ўрнатиш, **чиқинди йиғиш майдончаларини** қуриш, **чиқинди қутилари** ва **контейнерларини** ўрнатишга **500 миллион сўм** ажратиш.

Мазкур банднинг сўзсиз, сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлашга масъуллар этиб тегишинча экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири **А.Абдухакимов**, рақамли технологиялар вазири **Ш.Шерматов**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

9. Аҳоли, айниқса, ёш авлод вакиллари томонидан санитария-гигиена воситаларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида **2025 йил 1 майдан бошлаб** қуйидагиларни назарда тутувчи **“Тоза қўллар” дастури** амалга оширилсин ва аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш ишлари ташкил этилсин:

а) барча соғлиқни сақлаш ва таълим муассасаларида:

қўл ювиш жойларини зарур санитария-гигиена воситалари билан таъминлаш;

санитария-гигиена хоналарининг **техник ҳолатини яхшилаш**, янги қурилаётган муассасаларда уларни **бинонинг ички қисмида** жойлаштириш;

йил давомида **биринчи навбатда қўл ювиш ва антисептик воситаларни** харид қилишни назарда тутиш;

б) барча турдаги жамоат санитария-гигиена хоналари, умумий овқатланиш ташкилотларини **санитария-гигиена воситалари билан** таъминлаш мажбуриятини киритиш.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов) биринчи даражали маблағ тақсимловчиларнинг асосланган ҳисоб-китобларига кўра 2025 йил давомида бюджет ташкилотларида мазкур банддаги тадбирлар учун зарур бўлган ҳолларда **қўшимча маблағлар** ажратсин.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси (Б.Юсупалиев) **бир ой муддатда** ушбу бандда назарда тутилган муассасаларда санитария-гигиена ҳолатини сақлаш учун воситалар ажратиш бўйича нормативларни қайта кўриб чиқсин ва уларнинг амалда бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худаяров), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (О.Фозилкаримов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Ш.Хидоятов) билан биргаликда **2025 йил 1 августга қадар** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро экспертларини жалб этган ҳолда республиканинг барча ижтимоий соҳа муассасаларида, шу жумладан, умумий овқатланиш нуқталари ва вилоятлараро автомобиль йўллари бўйидаги санитария-гигиена нуқталарида санитария-гигиена тизимини яхшилаш бўйича дастурни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш тизимини кучайтириш ва бу борада **санитария қоидаларини** ишлаб чиқиб, **меъёрлар**ни юқори стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида:

2025 йил 1 июлга қадар Санитария-эпидимиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг **лабораториялари**ни озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги **трансёғларни аниқлаш учун зарур жиҳозлар билан таъминлаш** чоралари кўрилсин;

2025 йил 1 августга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда трансёғлардан фойдаланишнинг чекланган миқдорларини белгилаш бўйича **санитария қоидалари** ва **меъёрлари** Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин ва уларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатилсин.

Мазкур банднинг сўзсиз, сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлашга масъул этиб соғлиқни сақлаш вазири **А.Худаяров** белгилансин.

12. 2025 йилда **табиий ресурсларни** тежаш ва улардан **оқилона** фойдаланиш, **экологик барқарорликни** таъминлаш борасида:

1 минг километр каналларни бетон қопламага ўтказиб, сув тежовчи технологиялар қамровини **1,6 миллион гектарга** етказиш ҳисобига йилига қўшимча **2,5 миллиард метр куб** сувни тежашга эришилиши;

насос станцияларида **эскирган насос ва электр двигателларни замонавий энергия тежамкорларига алмаштириш**, **сув ресурслари ҳисобини такомиллаштириш** орқали насос станцияларининг электр энергия истеъмоли **300 млн кВтгача** камайтирилиши;

ирригация ва мелиорация тизимлари объектларини қуриш ва реконструкция қилиш орқали **390 минг** гектар қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг **сув таъминоти яхшиланиши**;

сарфланаётган **сувнинг ҳисоби ва ҳисоботи тўлиқ юритилиши**ни таъминлаш мақсадида магистраль каналлар ва муҳим сув объектларида сувнинг **ягона онлайн ҳисобини** юритиш тизими жорий этилиши;

1,8 минг километр ичимлик ва оқова сув тармоқлари, **77 та** ичимлик ва оқова сув иншоотлари қурилиши ҳамда реконструкция қилиниши;

ичимлик сув тизимида маънан эскирган **746 та** насос ускуналари энергия тежамкорларига алмаштирилиши, ҳудудларда **65,2 мегаватт** қувватга эга қуёш панеллари ўрнатилиши, сув иншоотлари ва магистраль сув тармоқларига **955 та** замонавий **сув ҳисоблагичлар** ўрнатилиши;

барча ичимлик сув таъминоти корхоналарида **сифат мониторингини** юритиш ва маълумотларни бошқариш марказлари яратилиши;

дарёлар, қўллар ва каналларга **турли ифлослантирувчи моддалар ташланиши устидан назорат кучайтирилиши** таъминлансин.

Мазкур банднинг сўзсиз, сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлашга масъуллар этиб тегишинча сув хўжалиги вазири **Ш.Хамраев,** қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири **Ш.Хидоятов,** энергетика вазири **Ж.Мирзамахмудов,** экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири **А.Абдухакимов** белгилансин.

13. Кенг жамоатчилик, халқаро ва маҳаллий экофаоллар, Ўзбекистон экологик партияси ва Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги таклифини инобатга олган ҳолда:

а) **2025 йил 1 майдан бошлаб Тошкент** ва **Нукус шаҳарлари** ҳамда **вилоят марказларида** қуйидаги йўналишларда янги лойиҳаларни амалга ошириш **тақиқлансин**:

асбест, цемент ишлаб чиқариш, шлам ва шлаклар;

тери-кўнчилик, паррандачилик фабрикалари;

самарадорлиги юқори бўлган чанг-газ тозалаш иншоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўмир ёқиш;

қора ва рангли металлургия заводлари, таркибида заҳарли аралашмалар бўлган ойна, заҳарли кимёвий моддалар билан ишлаш;

хавфлилик даражасининг **I** ва **II синфи**га мансуб чиқиндиларни қайта ишлаш ва ёқиш корхоналари;

б) **2025 йил якунига қадар** қуйидаги **вазифаларнинг** бажарилишини таъминлашга барча куч ва ресурслар сафарбар этилсин:

аҳолини сифатли, экологик тоза ва арзон ёқилғи билан таъминлаган ҳолда **АИ – 80 русумли** автомобиль ёқилғисидан фойдаланиш ва сотишни чеклаш;

республиканинг барча ҳудудларида жойлашган иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш корхоналарига **ёқилғи сифатида мазутдан фойдаланишни тўлиқ тақиқлаш**, бундан **авариявий ёқилғи сифатида** Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигини **хабардор қилиб,** Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда фойдаланиш ҳолатлари мустасно;

в) **2025 йил 1 ноябрга қадар** Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан пластик чиқиндиларни қисқартириш бўйича қуйидаги халқаро тан олинган механизмларни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилсин:

пластик чиқиндиларни қабул қилувчи махсус жойлар ва ускуналарни **ўрнатиш орқали йиғиб олиш** ва утилизация қилиш ёки утилизация йиғимини тўлаш;

пластик қадоқлар ёки пластик қадоқларда маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳамда импорт қилувчиларга нисбатан **“тараларни қайтариш”,** фуқароларга чиқиндиларни қабул қилувчи махсус ускуналарга топширилган ҳар бир пластик идиш учун тўлов қилиш имкониятини яратиш каби мажбуриятлар жорий қилиш.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов), Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамахмудов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Қудратов) ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда **2025 йил 1 октябрга қадар** мазкур банднинг **“а”** кичик бандида кўрсатилган ва энергия сарфи юқори бўлган йўналишлардаги **мавжуд қувватларни модернизация қилган ҳолда** Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларидан **босқичма-босқич кўчириш бўйича асослантирилган таклифларни** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва шаҳарсозлик фаолиятининг экологияга салбий таъсирини **илм-фан ва замонавий технологияларни татбиқ қилган ҳолда** жиловлаш мақсадида:

2025 йил 1 августдан бошлаб техник жиҳатдан тартибга солиш ҳужжатлари бўлган экологик меъёрлар ва қоидаларни қабул қилиш тартиби ўрнатилсин;

2025 йил 1 октябрдан бошлаб энергетика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳалари ва кимё саноатида экологик нормативларни **индивидуал белгилаш усули ўрнига тармоқ усулини** қўллаш амалиёти йўлга қўйилсин;

2026 йил 1 январдан бошлаб республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган корхоналар томонидан ўз фаолиятида Барқарор ривожланиш бўйича халқаро кенгашнинг барқарор ривожланиш тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш стандартларини жорий этиш (ISSB) амалиёти йўлга қўйилсин.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов) етакчи халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда **уч ой муддатда** атмосфера, ер, ер ости ва сув ифлосланишини камайтиришга қаратилган **экологик меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқиш бўйича дастурни** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бош вазир ўринбосарлари Ж.Кўчқоров, Ж.Ходжаев атроф-муҳитни асраш тадбирларини амалга ошириш, шу жумладан, **чўлланишга қарши курашиш**, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, **сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш** соҳаларида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун Экология жамғармасига халқаро молия институтлари ва бюджет маблағлари ҳисобидан **25 миллиард сўм** миқдордаги маблағлар ўтказиб берилишини таъминласин.

15. Кенг жамоатчилик, халқаро ва маҳаллий экофаоллар, экология соҳаси илмий ҳамжамияти таклифларини инобатга олган ҳолда **тупроқнинг унумдор қатламини сақлаб қолиш** ва яшил ҳудудларни асраш мақсадида:

2025 йил 1 июлдан бошлаб кўп қаватли уйлар массивларидаги тупроқ ва яшил қопламали умумий фойдаланишдаги ҳудудларни **ўзбошимчалик билан бетонлаштирганлик**, **қурилма ва конструкцияларни ўрнатганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилади**;

2025 йил 1 августдан бошлаб пишган ғишт ишлаб чиқаришдан муқобил технологиялардан кенг фойдаланишга ўтиш мақсадида **деворбоп материаллардан** (пеноблок, газоблок) кенг фойдаланувчи қурилиш ташкилотларига “Шаффоф қурилиш” платформасида **устуворлик** берилади;

2026 йил 1 январдан бошлаб пишган ва хом ғишт ишлаб чиқаришда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 2025 йил учун белгиланган ставкага нисбатан **2 бараварга** оширилган ҳолда қўлланади ҳамда 2027 йилдан босқичма-босқич қўшимча равишда оширилади;

2027 йил 1 январдан бошлаб ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва тупроқнинг унумдор қатлами йўқолиб кетишининг олдини олиш мақсадида қишлоқ хўжалигига, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, ўрмон ва сув фонди ерларида **тупроқ карьерлари фаолияти** тақиқланади;

кўп қаватли тураржойларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга қабул қилишда **оқова, ёмғир ва техник сувлардан** суғоришда фойдаланиш тизимларини ташкил этиш мажбурий этиб белгиланади.

16. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Кудратов), Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамахмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Ш.Хидоятов), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (А.Жуманазаров), Савдо-саноат палатаси (Д.Вахабов) **икки ой муддатда энергия самарадор материалларни мамлакатимизда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва улардан кенг фойдаланиш бўйича дастурни** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, кўпайтириш ва уларни кейинги авлодга етказиш борасида **2025 йил 1 сентябрдан бошлаб** ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш учун тасдиқланган квоталар ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан **махсус фойдаланиш учун рухсатномаларни электрон аукцион орқали бериш** тартиби жорий этилсин. Бунда:

квоталар Фанлар академияси томонидан **ҳар йили** аниқланадиган ўсимлик **захираси асосида** шакллантирилади;

квота ва рухсатномалар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан **тасдиқланиб, аукционга** чиқарилади.

Мазкур банднинг сўзсиз, сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлашга масъул этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири **А.Абдухакимов** белгилансин.

18. Атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш бўйича **I ва II** тоифаларга мансуб корхоналарнинг **экологик ишлаб чиқаришга ўтишдаги ҳаракатларини** рағбатлантириш мақсадида **2025 йил 1 августдан бошлаб** қуйидаги тартиб жорий этилсин:

а) **биринчи босқичда** — атмосфера ҳавоси ифлосланиши фон **мониторинги станцияларини** ўрнатган корхоналарга:

табиатга зарар етказиш бўйича **компенсация тўловларидан шаклланган қарздорликдан воз кечиш**;

табиатга зарар етказиш бўйича республика бюджетига йўналтириладиган **компенсация тўловларининг 50 фоизигача** бўлган қисмини **икки йил давомида** қайтариш;

б) **иккинчи босқичда** — мониторинг станцияларини ўрнатган корхона келгуси бир йил давомида **чанг-газ ва локал сув тозалаш ускуналарини ўрнатганда,** табиатга зарар етказиш бўйича республика бюджетига йўналтириладиган **компенсация тўловларининг 70 фоизигача** бўлган қисмини **икки йил давомида қайтариш** белгилансин.

Бунда мазкур бандда назарда тутилган **имтиёзлар** давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан бериладиган **хулоса асосида** тақдим этилади;

в) **2025 йил 1 ноябрга қадар** Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан хўжалик фаолиятини юритувчи корхона ва ташкилотлар томонидан етказилган **экологик зарарларни мажбурий суғурталаш** тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири **А.Арипов икки ой муддатда** республикада атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш, хусусан, саноат корхоналари ва иссиқхоналарда **чанг-газ ва локал сув тозалаш ускуналарини босқичма-босқич ўрнатиш бўйича дастурни** тасдиқласин ва унинг ижро этилишини қатъий назоратга олсин.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН – 2030» СТРАТЕГИЯСИНИ «АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» ЙИЛИДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

19. **2025 йил 1 сентябрдан бошлаб** тадбиркорлик субъектларини **“яшил тадбиркор”** сифатида эътироф этиш юзасидан қуйидагиларни назарда тутувчи платформа ишга туширилсин:

а) **қуйидаги** йўналишларда белгиланган **кўрсаткичларни** бажарган тадбиркорлик субъектларига **“яшил тадбиркор” мақомини** бериш:

кўкаламзорлаштириш, жумладан, корхонани “яшил белбоғ” билан ўраш, суғориш тизимларини ўрнатиш, томчилатиш, ёмғирлатиш ва контейнерли (қопли) суғориш тизимини жорий қилиш;

энергия тежамкорлигини таъминлаш, жумладан, энергия тежовчи ускуналар ва технологияларни жорий қилиш;

корхонанинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш, жумладан, экологик ҳуқуқбузарлик содир этмаслик, атмосферага ташламаларни онлайн мониторинг қилиш тизимини жорий этиш;

ишлаб чиқаришга **циркуляр иқтисодиётни жорий қилиш** (“7R”) тамойилини татбиқ этиш;

б) “яшил тадбиркор” мақомини олган тадбиркорлик субъектларига қуйидаги **қўллаб-қувватлаш чораларини** қўллаш:

“Шаффоф қурилиш” платформасида устуворлик бериш;

муайян муддат давомида **экологик текширувлар**дан озод этиш;

халқаро бозорларга чиқиш учун қўллаб-қувватлаш;

Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги доирасида қўшимча балл бериш.

20. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида 2025 йил 1 апрелдан бошлаб чиқиндилар утилизацияси ҳисобига ҳамда шамол ва қуёш манбаларидан ишлаб чиқарилган электр энергияси учун **“яшил тариф”**лар жорий этилсин. Бунда:

тадбиркорлик субъектлари томонидан чиқинди ва биогаз утилизацияси орқали ишлаб чиқариладиган ҳамда ташкилотларнинг ўз худудларида ўрнатган шамол ва қуёш электр қурилмаларидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси учун;

аҳолининг қуёшдан олинган ва фойдаланишда ўз эҳтиёжидан орттириб, давлатга сотадиган электр энергияси учун имтиёзли тарифлар белгиланади.

21. Иқтисодиётни декарбонизация қилиш ва иқлим ўзгаришига мослашишга қаратилган лойиҳаларни **барқарор молиялаштириш бўйича**:

а) **2025 йил 1 декабрга қадар** Ўзбекистон Республикасида **“яшил молиялаштириш”** тизимини шакллантириш бўйича **миллий дастур** ишлаб чиқилсин;

б) 2025 йилдан бошлаб **қуйидаги манбалар ҳисобидан яшил ва кам углеродли ривожланиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга имтиёзли кредит ва грант маблағларини жалб этиш** чоралари кўрилсин:

Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан — босқичма-босқич **200 миллион еврога**ча;

Жаҳон банкидан — энергетика секторида метан эмиссиясини камайтириш учун **10 миллион АҚШ доллари**;

Глобал яшил ўсиш институти орқали Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги техник кўмаги доирасида — Ўзбекистон — Корея ўртасида “яшил ҳамкорлик”ни кучайтириш учун **6,5 миллион АҚШ доллари**;

Жаҳон банкининг “iCRAFT” лойиҳаси доирасида — **500 минг** тонна қисқартирилган иссиқхона газларини сотиш ҳисобига **7,5 миллион** АҚШ доллари;

Германия халқаро ҳамкорлик жамиятидан — саноатни яшиллаштириш ва азот кислотаси ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг атмосферага чиқараётган зарарли газларини қисқартириш учун **20 миллион евро**;

в) **2025 йил сентябрга қадар** “яшил иқтисодиёт” лойиҳаларини амалга оширишга **шаффофлик**ни таъминлашга қаратилган миллий **“яшил иқтисодиёт” лойиҳаларини баҳолаш тартиби татбиқ этилсин**;

г) **2025 йил ноябрга қадар** қиймати **10 миллион АҚШ долларидан** юқори бўлган **давлат-хусусий шериклик** асосида янги лойиҳаларни “Source” халқаро платформасига киритиш орқали лойиҳаларнинг **“яшил компонент”лари** ва **барқарор ривожланиш мақсадларига мослигини баҳолаш** амалиёти йўлга қўйилсин;

д) Европа Иттифоқининг **техник кўмагида** Бухоро, Наманган, Нукус, Урганч шаҳарлари ва Ғузор туманида кам углеродли ривожланиш бўйича ҳаракатлар режалари ишлаб чиқилиши ҳамда **10 та ижтимоий объектнинг энергия самарадорлиги** оширилиши таъминлансин.

Мазкур банднинг сўзсиз, сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлашга масъул этиб Бош вазир ўринбосари **Ж.Кўчқоров** белгилансин.

22. Белгиланснки, 2025 йилда экологик барқарорликни таъминловчи ҳудудлар ва тармоқлараро мувофиқлаштиришни таъминлаш борасида:

2025 йилдан бошлаб шакллантириладиган инвестиция дастурлари, тармоқ, соҳалар ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича янги лойиҳаларнинг **15 фоизида**, 2027 йилдан бошлаб — **30 фоизида**, 2030 йилдан бошлаб — **55 фоизида “яшил компонентлар”** бўлиши лозим;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқиладиган **углерод нейтраллигига эришиш, иқлим ўзгаришига мослашиш, атроф-муҳитни асраш, яшиллик даражасини ошириш** ва **“яшил лойиҳалар”**ни амалга оширишга қаратилган **“яшиллик дастурлари”** Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади;

ҳар йили **давлат органлари** ва **ижтимоий объектларнинг** атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва **“яшил технология”**ларни жорий қилиш бўйича **экологик рейтинги** юритиб борилади.

23. Ҳудудларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ишларни самарали ташкил қилиш, **ҳудудий давлат органлари ва ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини такомиллаштириш** мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан келишган ҳолда **экология ва “яшил ривожланиш” масалалари бўйича консультантлар** халқаро молия институтлари грант маблағлари ҳисобидан жалб қилинсин;

2025 йил 1 сентябрдан бошлаб туман (шаҳар) даражасида **экологик паспортлар** ва **экологик мастер режалар** ҳамда **ҳудудларнинг** экологик **рейтинги**ни ишлаб чиқиш ва кенг **жамоатчиликка тақдим этиш амалиёти** жорий этилсин.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.Абдухакимов жалб қилинадиган **консультантларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга** масъул этиб белгилансин.

24. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (Қ.Куранбаев):

бир ҳафта муддатда **туман ва шаҳарлар кесимида** 2025 йилда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида маҳаллаларда **дарахт кўчатларини ҳамда хонадонлар ва ички кўчаларга гул ва қаламчаларни экиш дастурлари** Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

2025 йил баҳор-куз мавсумларида республикадаги барча маҳаллаларнинг ички кўчалари ва аҳоли хонадонларида 32 миллион **туп мевали** ва **манзарали** дарахтлар, **бута** кўчатларини ҳамда **райҳон**, **гултожи**, **атиргул** ва бошқа гуллар, шунингдек, **қаламчаларни** экиш ва парваришлаб боришни;

“Обод хонадон”, **“Обод кўча”** ва **“Обод маҳалла”** мезонларини жорий этиш мақсадида 2025 йилнинг 10 февралдан 10 мартга қадар ҳар бир **хонадон**, **кўча** ва **қабристонларда ободонлаштириш** ҳамда **кўкаламзорлаштириш** ишларини уюшқоқлик билан ташкил этишни;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда Наврўз байрамига қадар маҳаллалар ўртасида **“Обод хонадон”**, **“Обод кўча”** ва **“Обод маҳалла” кўрик-танловлари ўтказилишини** таъминласин.

Мазкур бандда назарда тутилган тадбирлар **Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси**, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин;

б) Бош прокуратура (Ш.Тўхтабоев) Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (Қ.Куранбаев) билан биргаликда жойларга чиққан ҳолда мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларнинг **ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан қатъий назорат** ўрнатилишини таъминласин.

25. **2025 йил 1 сентябрдан бошлаб** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимларини лавозимларига тасдиқлашда ва лавозимдан озод этишда қуйидаги экологик кўрсаткичларни белгилаш бўйича **экологик аудит** ўтказилиб борилсин:

ҳудуднинг **яшиллик** ва **ўрмонлар** билан қопланганлик даражаси ҳамда ўрмонлар ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони;

ҳудуддаги дарахтлар сони;

шаҳарлар ва йирик саноат корхоналарининг **яшил белбоғлар билан ўралганлик** даражаси;

сув ҳавзалари ва дарё ўзанларидаги **қум ва шағаллар ҳолати**;

атмосферага **ташламалар миқдори** ва ҳаво ифлосланишининг даражаси;

атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш бўйича **I ва II** тоифаларга мансуб корхоналарнинг атмосфера ҳавоси ифлосланиши фон мониторинги станциялари, чанг-газ ва локал сув тозалаш ускуналарини ўрнатганлик ҳолати;

аҳолига чиқиндилар бўйича хизмат кўрсатишнинг қамрови, чиқинди йиғиш шохобчалари ва контейнерлари билан таъминланиш ҳолати ва хизмат кўрсатиш сифати даражаси.

26. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов) **бир ой муддатда** давлат экология назорати ва текширувни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш, Давлат экологик назорат инспекцияси фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, унинг ходимларини махсус техника ва транспорт воситалари билан таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

27. Давлат бюджети маблағларидан **самарали ва оқилона** фойдаланишда парламент назоратини янада кучайтириш мақсадида Ҳукуматнинг **Давлат бюджетига доир барча ҳисоботларини** Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ҳисоб палатасининг **ташқи аудит хулосаси** билан биргаликда киритиш амалиёти йўлга қўйилсин.

28. Бош вазир ўринбосари **Ж.Ходжаев,** экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири **А.Абдухакимов**, иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари **И.Норқулов** туризм салоҳияти юқори бўлган тоғли ҳудудлар, сув омборлари ва сув ҳавзалари ҳамда дарё бўйларида **“апарт-отель”, “капсула” уйлар** ва шу каби **жойлаштириш воситаларидан иборат туризм мажмуаларини** ташкил этишга **500 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестицияларни** жалб қилиш чораларини кўрсин.

29. Қишлоқ хўжалиги ерларидан **самарали фойдаланиш** ва аҳолини **доимий даромад манбалари** билан таъминлаш мақсадида:

2025 йил 1 мартга қадар тажриба-синов тариқасида **танлаб олинган ер участкалари** контурлар яхлитлиги ва суғориш тизимини бузмаган ҳолда, **3 гектардан 50 гектаргача** бўлган ўлчамларда, ижарачиларнинг мустақиллиги ва **юқори қўшилган қийматга эга экинлар етиштиришга асосланган янги тизим бўйича** аукцион савдолари орқали ажратилсин;

тупроқ агрокимёвий таҳлилларини ўтказиш мақсадида **10 та** портатив-мобиль лабораторияни харид қилиш таъминлансин;

органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ер майдонлари **10 минг гектар**га етказилсин.

Мазкур банднинг ижросини таъминлашга масъул этиб қишлоқ хўжалиги вазири **И.Абдурахмонов** белгилансин.

30. Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) Адлия вазирлиги (А.Ташкулов) билан биргаликда **2025 йил 1 октябрдан бошлаб** давлат хизматлари кўрсатилишида қоғоз шаклидаги ҳужжатлар айланмасининг **тўлиқ электрон шаклга ўтказилишини** таъминласин.

31. **“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури** (кейинги ўринларда — Давлат дастури) доирасида қуйидагилар 1 — 21-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

2025 йилга мўлжалланган **амалий тадбирлар режаси**;

2025 йилда ишлаб чиқиладиган **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати**;

2025 йилга мўлжалланган **мақсадли кўрсаткичлар**;

2025 йилда **атроф-муҳитни асраш йўналишида вазирлик ва идоралар томонидан биринчи навбатда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар** режаси;

2025 йилда **атроф-муҳитни асраш бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишида чора-тадбирларни амалга ошириш** режаси;

Ўзбекистон Республикасида **“Яшил туризм” дастурини** амалга ошириш чора-тадбирлари режаси;

2025 йилда **ҳудудларда қайта тикланувчи энергия манбалари қувватларини** жорий этиш режаси;

2025 йилда **баҳор-куз мавсумларида** “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида **маҳаллаларда дарахтларни экиш** бўйича режа;

2025 йилда баҳор мавсумида **маҳаллаларда хонадонлар ва ички кўчаларга гул ҳамда қаламчаларни экиш** бўйича режа.

32. Бош прокуратура (Ш.Аминов) кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш режасининг ижросини таъминлаш, шунингдек, қуёш панеллари ва гелиоколлекторлар ўрнатилишида **қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилиши устидан қатъий назоратни** амалга ошириб борсин.

33. Белгилаб қўйилсинки:

Давлат дастурини **сўзсиз, сифатли ва тўлиқ** амалга ошириш барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг **биринчи навбатдаги устувор вазифаси** ҳисобланади;

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари Давлат дастурида **ҳар чорак кесимида** тегишли **йўналиш ва ҳудуд** бўйича белгиланган **мақсадли кўрсаткичларга эришиш**, назарда тутилган чора-тадбирларни **самарали амалга ошириш** ва зарур **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** лойиҳаларини **ўз вақтида ва пухта ишлаб чиқиш** учун шахсан жавобгар бўлади.

34. Қуйидагилар:

Адлия вазирлиги Ҳисоб палатаси билан биргаликда Давлат дастури доирасида йўналишлар бўйича **амалий тадбирлар режалари бажарилишини**, **мақсадли кўрсаткичларга эришилишини** ва **тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини** тизимли мониторинг қилиб борсин;

“Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” ҳаракати Давлат дастурининг амалга оширилишини, шу жумладан, **жойларга чиқиб**, **жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда** танқидий ўрганиб борсин ва натижалари бўйича **ҳар ойда** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин;

давлат ҳокимияти органлари, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари **“Тараққиёт стратегияси” маркази** ва **“Юксалиш” ҳаракатининг** мазкур банд ижроси бўйича фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиб борсин.

35. Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда мазкур Фармон ва у билан тасдиқланган Давлат дастури ижросини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни қабул қилсин;

ҳар ой якуни бўйича Давлат дастури ижроси юзасидан маълумотларни умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин;

ҳар чорак якуни бўйича Давлат дастурида юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати йиғилишида муҳокама қилиб борсин;

ҳар ярим йилда Давлат дастури ижроси юзасидан ҳисоботларни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиб борсин.

36. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Джурабаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мунтазам равишда:

Давлат дастурини амалга ошириш натижалари, **“яшил иқтисодиёт”**га ўтишдаги ютуқларни акс эттирадиган таҳлилий материалларнинг оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернет тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини;

Давлат дастури доирасида амалга **оширилаётган барча тадбирларнинг бориши** ҳамда натижалари тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумотлар аҳолига тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

37. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб **вазирлик ва идоралар раҳбарлари**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **Раиси**, вилоятлар ва Тошкент шаҳар **ҳокимлари** белгилансин.

Фармон ижросини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича **Республика комиссияси** зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида **ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2025 йил 7 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР МИР АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ ЮРТИМИЗ ВА ЖАҲОН МИҚЁСИДА КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ҲАМДА НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА «АЛИШЕР НАВОИЙ ЙИЛИ»НИ ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4. Алишер Навоийнинг беназир ижодий меросини кенг оммалаштириш ҳамда Навоий вилоятида “Алишер Навоий йили”ни юқори даражада ўтказиш бўйича **чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси Дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар ўз вақтида самарали амалга оширилишини ташкил этсин, бу борада идораларо ҳамкорликни таъминласин.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти Республика комиссиясининг ишчи органи этиб белгилансин.

5. Навоий вилоятида 2025 йил “Алишер Навоий йили” деб номлангани муносабати билан Навоий вилояти ҳокимлиги:

Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда 2025 йил 8-9 февраль кунлари буюк бобомиз таваллудининг 584 йиллиги муносабати билан маҳаллий ва хорижий олимлар, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилик иштирокида **“Алишер Навоий ва Шарқ Ренессанси”** анъанавий халқаро симпозиуми ва навоийхонлик тадбирларини юқори савияда ўтказиш чораларини кўрсин;

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Навоий вилоятининг барча шаҳар ва туманларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ ҳолда сўлим боғ ва хиёбонлар, яшил ҳудудлар ташкил этсин;

Бадиий академия, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Маданий мерос агентлиги билан биргаликда Навоий шаҳрида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” боғида Алишер Навоийнинг ҳайкали ва “Хамса” достонлари мавзусидаги рамзий дарвозаларни ўрнатиш ҳамда мемориал музей ташкил этиш чораларини кўрсин;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси билан биргаликда ҳар йили алоҳида режа асосида Алишер Навоий ижодига бағишлаб ижодий кечалар, танловлар, китоблар нашри ва тақдимоти ҳамда илмий-адабий анжуманлар ўтказсин. Ушбу тадбирларга талабалар, ёш ижодкорлар ва иқтидорли ўқувчиларни жалб қилиш, уларни муносиб рағбатлантириш орқали “Навоий вилояти тажрибаси”ни йўлга қўйсин.

6. Фанлар академияси:

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Навоий давлат университетида 2025 йил 10 — 15 октябрь кунлари **“Алишер Навоий илмий-адабий меросининг умумбашарият маънавий ва маърифий тараққиётидаги ўрни”** мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилишини таъминласин. Бунда халқаро конференцияни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги томонидан тенг улушларда қопланиши белгилаб қўйилсин;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда “Ҳазрат Навоийни англаш — ўзлигимизни англаш” мавзусида республика танлови, шунингдек, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда “Навоийхонлик кечалари”ни ташкил этсин.

7. Ёзувчилар уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, у яшаган даврнинг маърифий-адабий муҳити, шоирнинг устоз ва замондошлари, издошлари ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни қайта нашр этиб, олий таълим муассасаларида Алишер Навоий қўлёзмаларининг кўргазмалари ҳамда асарларининг тақдимотларини ўтказсин.

8. “Навоий кон-металлургия комбинати” акционерлик жамиятининг Алишер Навоий ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятига бағишланган бадиий кинофильмни молиялаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Кинематография агентлиги 2026 йил якунига қадар навоийшунос олимлар, етук сценарийчи ва режиссёрлар, актёрлар ва соҳа мутахассислари иштирокида ушбу бадиий фильмни яратиш, унинг тантанали премьерасини ташкил этиш чораларини кўрсин.

9. Ташқи ишлар вазирлиги Республика комиссияси томонидан тасдиқланадиган алоҳида режа асосида Туркий давлатлар ташкилотининг Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотини хорижий давлатларда кенг тарғиб қилиш чораларини кўрсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Алишер Навоий ҳаёти, унинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти ҳамда жаҳон адабиёти ва тамаддуни ривожига қўшган улкан ҳиссасини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида, шунингдек, корхона, ташкилотлар ва меҳнат жамоаларида кенг тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий медиа бирлашмаси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Алишер Навоий ҳаёти ҳамда ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларга ажратилган бюджет маблағлари, уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2025 йил 7 февраль

ҲУДУДЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

1

Умуман, жорий йилда IT хизматлари ҳажмини 30 фоиз ўстириб, 80 триллион сўмдан, экспортини 1 миллиард доллардан ошириш имконияти борлиги айтилди. Ҳудуд ва тармоқлардаги хизматларни рақамлаштириш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Сервисни ривожлантиришда қулай транспорт инфратузилмаси жуда муҳим. Ўтган йили транспорт хизматлари 8,6 фоизга ўсиб, 145 триллион сўмни ташкил қилди. Лекин юқори иқтисодий ўсиш учун бу етарли эмас.

Шу боис мамлакатимиз шаҳарлари ўртасида самолёт ва поезд қатновларини кўпайтириш, мультимодал логистика марказлари қуриб, транзит юк улушини ошириш, таксиларга қулайликни кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Булар орқали жорий йилда транспорт хизматлари ҳажмини 185 триллион сўмга, экспортини 2,3 миллиард долларга олиб чиқиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Хизмат йўналишида энг катта соҳа бу туризм. Сўнгги йилларда 90 дан ортиқ давлатлар билан алоқалар яхшилангани натижасида хорижлик сайёҳлар қарийб 4 карра ошди. Ўтган йили туризм хизматлари экспорти 3,5 миллиард доллар бўлди.

Лекин мамлакатимизнинг салоҳияти бундан анча юқори. Масалан, Малайзия ва Индонезия фуқаролари Умрага боришдан олдин алломаларимиз қабрини зиёрат қилишни хоҳлайди. Улар учун “Умра плюс” хизмати йўлга қўйилиши белгиланди.

Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Хива ва Тошкентдаги туристик мажмуаларда халқаро концерт ва форумлар ўтказиш кўпчиликни ўзига тортади. Ташриф буюрувчилар меҳмонхона, ресторан, савдо ва бошқа кўнгилочар масканларга ҳам мижоз бўлади.

Ижтимоий соҳаларда ҳам имкониятлар кўп. Масалан, ўтган йили “Тиббий хизматлар меҳмондўстлиги” дастури йўлга қўйилган эди. Бу хорижий фуқароларни даволаш ва экспортни ошириш учун қулайлик.

Сўнгги саккиз йилда 125 та янги олий таълим ташкилоти очилган. Лекин бу соҳадаги экспорт имкониятларга мутлақо мос эмас. Ёки бўш турган айрим маданият ва санъат марказларини ҳам хусусий секторга бериш мумкин.

Йиғилишда Президентимиз мутасадди ва тадбиркорлар билан мулоқот қилди. Соҳа масъуллари бу йил ҳудудларда 2 миллион 500 минг аҳолини банд қилиш режалари юзасидан ахборот берди.

ЎзА.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2025 йил 8 февраль

Олий Мажлис Сенатида

КУН ТАРТИБИДА – ЙИРИК АНЖУМАНГА ТАЙЁРГАРЛИК МАСАЛАСИ

Олий Мажлис Сенатида Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясини ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига асосан 2025 йилнинг 5 — 9 апрель кунлари 190 та мамлакатни бирлаштирган Парламентлараро Иттифоқнинг энг йирик халқаро тадбири — 150-юбилей ассамблеясига Ўзбекистон мезбонлик қилади.

Халқаро даражадаги парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий тажрибаси юқори бўлган мамлакатлардагина ташкил қилинадиган тадбир Марказий Осиё давлатлари тарихида илк бор юртимизда ўтказилмоқда.

"Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати" мавзуида ўтказиладиган ассамблеянинг туркум йиғилишларида бутун дунё парламентлари етакчилари раҳбарлигидаги делегациялар томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва камбағалликни қисқартириш, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, қонун устуворлиги ҳамда гендер тенгликни таъминлаш, илм-фан, технологияларни ривожлантириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш каби долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Йиғилишда Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган мазкур ассамблеяга тайёргарлик кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу тадбирга масъул мутасадди ташкилотларнинг вазифалари ва амалга оширилиши лозим бўлган чоралар ҳақида фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Япония Бош вазирининг миллий хавфсизлик, ядровий қуролсизланиш ва уни тарқатмаслик масалалари бўйича махсус маслаҳатчиси Акихиса Нагасима бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатлар ва стратегик ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.

Япония Ўзбекистоннинг Осиё — Тинч океани минтақасидаги асосий ташқи сиёсий ва иқтисодий шерикларидан бири ҳисобланади. Ушбу мамлакат билан шерикликда таълим, фан, рақамлаштириш ва инновация, тиббиёт йўналишларида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Электр энергетикасини ривожлантириш, ишлаб чиқариш, манбаларни қайта ишлаш ва рақамлаштириш соҳаларида ҳамкорлик фаоллашмоқда.

Акихиса Нагасима Ўзбекистонда амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотлар натижасида барча жабҳада юз бераётган ижобий ўзгаришларни юқори баҳолади. Мамлакатимизнинг ташқи сиёсатдаги очиқ, прагматик сиёсати халқаро миқёсда эътироф этилаётганини таъкидлади. Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги узоқ йиллик масалалар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўз ечимини топаётгани ва яқин қўшничилик алоқалари мустаҳкамлангани эътироф этилди.

Мулоқот давомида Японияниг Марказий Осиё билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш мақсадида "Марказий Осиё + Япония" мулоқоти доирасидаги ташаббусларни илгари суриш ва йирик халқаро саммитга тайёргарлик жараёнлари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, парламентлараро алоқалар доирасидаги дўстлик гуруҳлари фаолияти, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш ҳамда барча даражадаги парламент мулоқотини фаоллаштириш муҳимлигига эътибор қаратилди.

Томонлар келгусида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, кадрлар тайёрлаш ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚАРО СИЁСИЙ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Бугун мамлакатимиз халқаро майдонда мустаҳкам ўринга эга бўлаётган, ташаббуслари изчил татбиқ этилаётган давлатлардан саналади. Бу бежиз эмас. Чунки янги Ўзбекистон сиёсий тизимни очиқлик ва демократия тамойилларига асосланган ҳолда такомиллаштириб, парламент фаолиятини кучайтириш, қонунчилик тизимини модернизация қилиш ва халқ манфаатларини таъминлашда қатъий қадамлар ташламоқда. Айнан шу ютуқлар туфайли Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида эътироф этилиб, йирик халқаро сиёсий тадбирларнинг мезбонига айланиб бораётир.

Парламент дипломатияси

Президентимиз таклифига асосан шу йилнинг 5 — 9 апрель кунлари Тошкентда Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси ўтказилиши белгиланган бунга яққол мисолдир. Бу нафақат Ўзбекистон парламент дипломатиясининг улкан ютуғи, балки мамлакатимизнинг халқаро сиёсий нуфузини мустаҳкамлаш йўлидаги тарихий воқеа бўлиб, Марказий Осиё минтақасида илк бор ташкил этилаётган халқаро тадбирдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган мазкур ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланиб, Ўзбекистонни жаҳон парламентаризмининг муҳим майдони вазифасини ўтайдиган энг йирик ташкилотдир. ПИ ассамблеялари фақат парламентаризм ва барқарор тараққиёт борасида юқори тажрибага эга давлатларда ўтказилади. Нуфузли тадбирга мезбонлик қилиш Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлат сифатида шаклланиб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Тошкентда бўлиб ўтадиган ассамблея "Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати" мавзуига бағишланиб, унда глобал миқёсда долзарб бўлган масалалар муҳокамадан ўтказилади. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, камбағалликни камайтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни мустаҳкамлаш ҳамда илм-фан ва технологияларни ривожлантириш орқали ёшларни қўллаб-қувватлаш масалалари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик, илм-фан ва технологиялар, ёшлар масалаларига бағишланган қатор қўмиталар йиғилишлари ҳам ўтказилиши режалаштирилган. Ўзбекистон бундай тадбирга мезбонлик қилиш орқали халқаро ҳамжамият олдида нафақат сиёсий ислоҳотларнинг муҳим иштирокчисига, балки глобал муаммоларни ҳал этишда ҳам етакчи майдонлардан бирига айланиши мумкинлигини яна бир бор исботлайди.

Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорлик сўнгги йилларда жадал ривожланмоқда. Хусусан, 2020 йилда Бухорода ва 2023 йилда Тошкентда барқарор ривожланиш мақсадларига бағишланган глобал форумлар ўтказилган. Шунингдек, Президентимиз томонидан илгари сурилган "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида"ги резолюция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Ушбу ютуқлар Ўзбекистон парламентининг халқаро майдондаги ролини сезиларли даражада оширишга хизмат қилмоқда.

Шу нуқтаи назардан айтганда, ўтказилиши режалаштирилаётган мазкур ассамблея Ўзбекистон учун йирик имкониятлар эшигини очиши, шубҳасиз. Биз бу тарихий тадбирни юқори савияда ташкил этиш орқали мамлакатимизнинг очиқлиги, ислоҳотларга содиқлиги ва парламент дипломатиясидаги фаоллигини яна бир бор намоён қиламиз.

Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

Сенат қўмитасида

ДОНОРЛИККА КЎМАК ВА ИМТИЁЗЛАР

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида "Донорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Сенаторлар қон донорлигини янада ривожлантириш мақсадида донорларни қўллаб-қувватлаш, тақдим этиладиган имтиёзларни қонун даражасида мустаҳкамлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

"Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида" ҳамда "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги қонунларга қон захиралари ва донорлар сони ошишини ҳамда бериладиган кафолатлар, компенсациялар ва рағбатлантиришларни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мазкур қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, инсонларни кўнгилли равишда қон топширишга чорлаш орқали беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ғояларини кенг тарғиб қилиш имконини беради.

Якунда кўрилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Депутат фикри

КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРАЛАР

Мамлакатимиз географик жиҳатдан денгизу уммонлардан узоқда жойлашган. Бундай шароитда йод моддаси етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар келиб чиқиши табиий. Шу боис Ўзбекистон йод танқислиги бўйича мураккаб ҳудудлардан бири саналади. Юртимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларда йод етишмаслиги касалликларини профилактика қилиш ва олдини олиш ҳаётий масала ҳисобланади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти статистикасига кўра дунё аҳолисининг учдан бир қисмидан кўпроғида йод танқислиги касаллигининг ривожланиш хавфи юқори. 740 млн. кишида мазкур касаллик буқоқ кўринишида мавжуд бўлса, 50 млн. аҳоли мия дисфункцияси ва ақлий заифликка дучор бўлган. Шунингдек, мамлакатимизда қалқонсимон без касалликларига чалинган 285 658 фуқародан 94 341 нафарини болалар ташкил этади. Янада ачинарлиси, уларнинг 92 983 нафари гипотериоз ва буқоқ касаллигига чалинган.

Биламизки, йод инсон саломатлиги учун муҳим элементлардан саналади. Аммо ушбу микроэлементни инсон организми ўзи ишлаб чиқара олмайди, уни фақат ташқи муҳит орқали қабул қилиши мумкин. У табиий равишда фақат маълум иқлимда, кўпинча денгизга яқин минтақаларда ҳосил бўлади. Бу модданинг етишмаслиги ақлий заифлик, тирноқларнинг табақаланиши, соч тўкилиши, тери қуруқлашуви, уйқучанлик, чарчоқ каби турли касалликларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Ушбу касалликнинг профилактикаси сифатида истеъмол бозорини йодланган туз ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, йодланган ош тузини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилишга доир талабларни белгилаш бўйича қўшимча чораларни кўриш зарур. Чунки жаҳон тажрибасида йод танқислигига қарши курашнинг энг самарали усулларидан бири айнан ош тузини йодлаш эканлиги кенг эътироф этилган.

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда Ўзбекистонда "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Қонун асосида жорий қилинган ош тузини йод билан бойитиш тизимини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Чунки ош тузи таркибидаги йодни аниқлаш учун республика савдо нуқталарида ўтказилган лаборатория таҳлилларига кўра сотиб олинган 1046 та ош тузи намунасидан 547 таси (52 фоиз) талабга жавоб бермаслиги, 85 тасида эса (8 фоиз) умуман йод йўқлиги аниқланган.

Юқоридаги каби ҳолатларнинг тез-тез учраши истеъмол бозорини йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга қаратилган ҳамда ош тузини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилишга доир талабларни белгилаш бўйича қўшимча чораларни кўриш заруратини юзага келтирмоқда.

Шундан келиб чиқиб, куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида яна бир муҳим ҳужжат кўриб чиқилди. Яъни унда аҳоли ўртасида йод танқислиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ош тузи ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш учун фойдаланиладиган, таркибида йод бўлган препаратларни, уларга қўйиладиган талабларни, ош тузи ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлашга ва уни ишлаб чиқаришга, ташишга, сақлашга ва реализация қилишга қўйиладиган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена меъёрларини белгилаш ҳамда назоратини олиб бориш ваколатлари берилмоқда.

Бундан ташқари, "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Қонунга мамлакатимизга фақат йодланган ош тузи олиб кирилиши, реализация қилинишини ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда йодланган туздан мажбурий фойдаланилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш таклиф этилди.

Ушбу ҳужжатни моддама-модда муҳокама қилиш жараёнида депутатлар томонидан бир қатор масалалар ўртага ташланди. Қонун лойиҳасида фақат йодланган ош тузини мамлакатимизга олиб кириш кўзда тутилаётгани айтилди. Муҳокама жараёнида йодланмаган тузни импорт қилиб ўзимизда йодлаш, кейин истеъмолга чиқариш масаласи қандай бўлади деган саволлар кўтарилди. Шунингдек, қонун лойиҳасини қўллаш механизмлари, ош тузи ва техник тузларнинг фарқли жиҳатлари қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Мунозаралардан келиб чиқиб ушбу ҳужжатнинг кириш қисмига қонун билан мамлакатимизга фақат йодланган ош тузи олиб кирилиши билан бирга, уни реализация қилиш ҳам қўшиб қўйилди.

Қабул қилинган ушбу ҳужжат мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза этишда яна бир муҳим қадам бўлади. Бу орқали йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликлар профилактика қилинади, истеъмол бозорини йодланган туз ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга қаратилган ислоҳотлар янги босқичга кўтарилади.

Муқаддас ЎРАЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ТЎЙЛАРИМИЗ МАЪНАВИЯТ, МЕҲР-ОҚИБАТ ТАНТАНАСИГА АЙЛАНСИН

Халқимиз бой тарих, қадриятлар ва миллий урф-одатларига эга бўлиб, замонлар оша уларни ўз қалби ва маънавиятида сақлаб, авлоддан-авлодга мерос қолдириб келмоқда. Ана шундай қадриятларимизнинг бири тўйлардир.

Мушоҳада

Миллийлигимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг ёрқин намунаси, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ифодаси ўлароқ тўйлар ҳаётимизнинг бир бўлагига айланган. Бугунги шиддатли замон аждодларимизнинг босиб ўтган турмуш тарзидан зарур хулосалар чиқариш билан бирга, уларни ҳаққонийлик ҳамда холислик асосида, танқидий руҳда таҳлил қилишни ҳам тақозо этади. Шу маънода, ҳозирги кунда турли маросимларни қандай ўтказиш масаласи кўпчилик зиёлиларнинг кенг муҳокамаларига сабаб бўлмоқда. Жумладан, тўйлардаги дабдабабозликни йўқотиш — ана шундай долзарб мавзулардан бири.

Тарихий, диний ва ижтимоий ҳаёт кўзгуси

Аслида тўйлар юртимизда нафақат оила қуриш маросими, балки кенг жамоатчилик иштирокидаги катта байрам сифатида ўтказилади. Бу маросимнинг ўзига хослиги этнографик жиҳатдан жуда қизиқарли бўлиб, халқнинг тарихий, диний ва ижтимоий ҳаётини акс эттиради.

Тўйлар қадимдан нафақат никоҳ базми, балки ижтимоий бирлик ва ҳамжиҳатлик рамзи сифатида ҳам қабул қилинган. Улар оилалар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, қариндош-уруғчилик ришталарини кучайтириш ва жамиятдаги бирдамликни таъминлашга ҳисса қўшган.

Бугун ушбу маросимнинг мазмун-моҳиятини сақлаган ҳолда уни шаклан давр талабларига мослаш, яъни кам харажатли, ихчам тўйлар қилиш одатини шакллантириш халқимиз учун ҳар томонлама фойдалидир.

Бироқ таассуфки, кейинги пайтларда айрим юртдошларимиз бу эзгу тантанани ўтказишда асосий эътиборни ёшларнинг бахтли бўлишига эмас, қуда томоннинг тўй учун қилган харажати миқдорига, маросимларни дабдабали, шов-шувли қилишга қаратмоқдаки, бу жамиятдаги маънавий муҳитга салбий таъсир ўтказмоқда.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, аҳолининг аксарият қисми орасида тўй маросимлари учун сарф-харажатларнинг ошиб бораётгани, исрофгарчилик, кўп сонли меҳмонларнинг таклиф этилиши бу йиллар давомида кутилган орзу-ҳаваснинг рўёбидан кўра халқ орасида "кимўзар" одатга, обрў талашишга айланиб қолган. Натижада тўй эгалари даромадларига яраша эмас, балки қарз олиб бўлса-да, катта сарф-харажат қилмоқда. Бу эса тўйдан кейин баъзи келишмовчиликларга, оилада етишмовчиликларга сабаб бўлиб, оқибатда ёшларнинг ажрашиб кетишларига ҳам олиб келмоқда.

Хўш, бундай салбий ҳолатларнинг олдини қай йўсинда олиш мумкин? Албатта, тўй қилиш ва уни қандай ўтказиш ҳар кимнинг ўз эркинлиги. Лекин бу кишига ўз ҳуқуқим дея, азалий урф-одатларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга менсимай қараш, шуҳратпарастликка берилиб, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқаларнинг ижтимоий аҳволини инобатга олмай, исрофгарчиликка йўл қўйиш имконини бермайди.

Жамоатчилик назорати зарур

Ўзбекистонда тўй-ҳашамлар учун меъёрлар ишлаб чиқилган. Жумладан, 2019 йил 14 сентябрь куни "Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинган.

Қарорда ҳар хил кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида тўй-ҳашамлар ва бошқа оилавий тадбирларнинг давомийлик вақти ҳамда уларга чақириладиган меҳмонлар сони аниқ белгиланди. Шунингдек, ҳужжатда тўй маросимларининг катта харажат талаб этадиган ҳар бир қисмига тўхталиб, асосий эътибор уларнинг ихчамлиги ва камхаражат ўтказилишига қаратилган. Бироқ ушбу қарорни амалда тўлиқ бажариш учун жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур. Жамиятда фикрлашни ўзгартириш, айрим одамларга ҳою ҳавас эмас, балки оилавий бахт муҳимлигини тушунтириш, оддий, исрофгарчиликдан холи тўй ўтказиш маданиятини шакллантириш лозим.

Бир пайтлар пандемия сабабли тўйларни фақат 30 — 40 кишилик кичик доирада ўтказиш қатъий белгиланган эди. Бу тартиб, аввалига мажбуран жорий этилган бўлса-да, вақт ўтиши билан кўпчилик учун қулайлик яратди. Одамлар ортиқча харажатларсиз, яқинлари даврасида тўй ўтказишнинг афзалликларини тушуниб етди. Ҳатто пандемия ҳали якунланмасдан туриб кўплаб ёшлар ушбу имкониятдан фойдаланиб катта маросимларсиз, содда ва ихчам тарзда турмуш қуришга ошикди. Аммо пандемия тугагач яна дабдабали тўйлар авж олди.

Жадидчилик ҳаракати асосчиси, маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз асарлари ва мақолаларида тўй-ҳашамлардаги исрофгарчиликни қаттиқ танқид қилгани, халқни ортиқча дабдабадан тийилишга чақирганини кўпчилигимиз биламиз. Унинг фикрича, бу иллатлар миллатнинг тараққиётига тўсиқ бўлиб, моддий қийинчиликларга сабаб бўлади. Беҳбудийнинг "Миллатнинг саодати ҳашаматли тўйларда эмас, балки илм-фан ва маърифатда", "Ортиқча дабдаба, беҳуда харажатлар миллатни ривожлантириш ўрнига уни орқага тортади", "Бойлар беҳисоб мол-мулкини сарфлаб, катта дабдабали тўйлар қилади. Камбағаллар эса уларга тақлид қилиб, ўзини қийнайди, қарзга ботади. Натижада жамиятда тенгсизлик кучаяди, одамларга моддий зарар етади" каби мазмундаги фикрлари бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Мазмунан бой, шаклан ихчам бўлсин

Шу ўринда тўй-тантаналарни самарали ташкил этиш учун бир нечта таклифларни билдириб ўтмоқчимиз.

Биринчидан, яқин йилларгача "Қизлар базми" келиннинг дугоналари ва яқин аёл қариндошлари иштирокида ихчам, самимий муҳитда ўтказилар эди. Ушбу маросимнинг мақсади келинни никоҳ олдидан илиқ тилаклар билан кузатиш, унга ҳаётда асқатадиган маслаҳатлар бериш ва қизғин суҳбат қуришдан иборат бўлган. Бироқ сўнгги йилларда "Қизлар базми" анъанавий шаклидан узоқлашиб, асосий тўйдан қолишмайдиган даражада дабдабали, ота-онанинг дўстлари, қариндош-уруғлари, қудалар иштирокида ўтадиган маросимга айланиб кетди. Эндиликда бу тадбир катта ресторан ва ҳашаматли тўйхоналарда ўтказилиб, махсус декорациялар, санъаткорлар чиқиши, ҳайкал шаклидаги тортлар ва фотосессиялар билан безатилмоқда. Натижада оддий ва самимий кеча бўлиб келган базм ортиқча харажат ва исрофгарчиликка сабаб бўлмоқда.

Куёвнинг дўстлари иштирокида ўтказиладиган "Навкар" маросими ҳам тобора тантанавор тадбирга айланаётир. Шу билан бирга, тўйдан кейинги "Келин салом" ҳам оддий маросим эмас, балки санъаткорлар ва махсус саҳна безаклари билан ўтказиладиган шоу тусини оляпти.

Шубҳасиз, уларни ихчамлаштиришимиз шарт. Келиннинг хонадонида бўлиб ўтадиган "Қизлар базми" маросими номига монанд фақат қизлар даврасида, яъни келиннинг дугоналари билан ихчам ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, келиннинг сарпосига керагидан ортиқ даражада нарса-буюмларнинг қўшилиши, айни чоғда бўлажак келин-куёвнинг хонаси қиз томонидан турли мебель, гилам, пардалар билан безатилиши аслида бизнинг менталитетимизга умуман тўғри келмайди. Чунки бу орқали қизларимизнинг қадр-қиммати тушса тушадики, асло ошмайди. Ахир қуда томонга йиллар давомида оқ ювиб, оқ тараб, камол топтириб, қизини ўзга хонадонга узатаётган ота-оналарнинг фарзандини бағридан узиб олаётганининг ўзи катта давлат. Қимматбаҳо нарса-буюмлар, жиҳозларни қўшиб олиши эса адолатдан эмас.

Учинчидан, тўй-тантаналари бўлиб ўтадиган кечки базмлар ҳам, ошлар ҳам 100 — 150 нафардан ошмаган киши билан ўтказилса, нур устига нур. Аслида бу каби базмлар учун таклифномалар жорий қилиниши лозим. Тўйхонага фақат таклифномалар орқали киритилса, меҳмонлар ҳам таклифномада қайд этилган рақамлар остидаги ўриндиқда ўтирса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу, аввало, тўй эгалари учун жуда қулай, чунки аксар базмларда келган меҳмонлар ўриндиқларга сиғмай қолади. Натижада мезбонлар хижолат чекиб, янгидан столлар безатади ёки аксинча, кўплаб безатилган столлар меҳмонсиз қолади. Бу эса ортиқча исрофгарчиликка сабаб бўлади. Шу боис тўйлар аниқ дастур асосида ташкиллаштирилса, ҳам маданий, ҳам иқтисодий тарафдан рисоладагидек иш бўлар эди.

Тўртинчидан, бугунги кунда тобора оммалашиб бораётган, инсонларнинг "оммавий маданият" таъсирига тушиб қолишига сабаб бўлаётган "севги ҳикоялари", яъни ўз номи билан айтганда "Love story", "Marry me" лавҳалари тайёрлаш қадриятларимизга қанчалик мос? Улар ёшларни, ҳақиқатан ҳам, бахтга чорлай оладими? Бизнингча, йўқ! Ҳатто аксинча, катта ҳаётга ясамалик, сохтакорлик, ўзлари ўйлаб топган иллюзия билан қадам босишига олиб келади. Қолаверса, кўпгина севги ҳикоялари ҳаётдаги ҳақиқатни тасвирламайди. Бу ёшлар орасида нотўғри тасаввурлар шакллашишига туртки бўлиши мумкин.

Китоблар ёки фильмлардаги мукаммал севги бадиий тафаккур маҳсули эканини биламиз. Улардаги ижрочилар актёрлар экани хаёлимизнинг бир четида доим туради. Бироқ "Love story" қаҳрамонлари актёрлар эмас. Улар келгуси ҳаётидан бахт излаётган оддий ёшлар. Севги ҳикоялари фантазиялари уларга нореал умидлар бериши, ҳатто хаёлий дунёда яшашга олиб келиши мумкин. Бу эса уларни ҳақиқий ҳаётдан узоқлаштиради, турмушда дуч келинадиган қийинчиликларни енгиб ўтишда тушкунлик уйғотади. Бу ёшлар ҳаётдаги камчиликларни қабул қила олмайди. Натижада улар ўз жуфтларидан ҳамма нарсада идеал бўлишни талаб этади, бу эса муносабатларда тушунмовчиликларга олиб келади.

Бундан ташқари, "севги ҳикоялари"нинг чет давлатларда, ҳашаматли меҳмонхоналарда, денгиз бўйларида тасвирга олинаётгани сарф-харажатнинг ошиб боришига сабаб бўлмоқда.

Меъёрдан ошгани — зарар

Илгари келин тўй куни миллий либосда бўлиши, камтарона кийиниши табиий ҳол эди. Бугунги кунда эса келин 3-4 марта кийим алмаштириши одатга айланган. Ҳар бир либос махсус буюртма асосида қимматбаҳо матолар ва безаклар билан безатилади. Бу эса тўй қилаётган оилага ортиқча молиявий босим юклайди.

Ўзбек тўйларида меҳмонларга ҳурмат катта ўрин тутади, лекин охирги йилларда тўй дастурхонининг "тўкинлиги" сунъий равишда оширилиб, ўнлаб турдаги таомлар тортилмоқда. Оқибатда жуда кўп озиқ-овқат исроф бўлади. Баъзи юртдошларимизда "дастурхон қанчалик тўкис бўлса, тўй шунчалик обрўли" деган нотўғри қараш борлигининг аччиқ меваси бу.

Ҳозирги кунда айримлар тўй кортежида ҳашаматли автомобиллар қатнашишини "шарт" деб билади, ижарага қимматбаҳо автомобиллар олади. Баъзан ёшлар уларда ўзларини гўё бошқа оламда ҳис қилиб, ақл-ҳушини йўқотади. Видеотасвирга олишаётганидан "руҳланиб", турли пойгаларга, "дрифт" ўйинларга зўр беради. Оқибатда эса турли кўнгилсизликлар, ҳатто фожиали якун топаётган автоҳалокатлар содир бўлаётганига гувоҳмиз.

Хўш, биз бу ортиқча дабдабабозлик, "кимўзар" тўй-тантаналарни ўтказишдек "муҳим орзу-ҳавасларимиз" билан банд эканмиз, фарзандларимизнинг оиласи мустаҳкамлигини ўйлашга қачон вақт топамиз?

Тўғри, халқимиз азалдан сахий ва меҳмондўст. Аммо меъёрдан ошган ҳар қандай ҳолат зарарга йўлиқтириши, қийинчиликларга гирифтор этиши ҳақида чуқур мушоҳада юритайлик. "Дабдабали тўй қиламан!" деб йиллар давомида мисқоллаб йиғиб-терганимизни бир кунда ҳавога совурмайлик. Аксинча, тўйларимиз ёшларга ҳаётий сабоқлар берсин, маънавият, меҳр-оқибат тантанасига айлансин!

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

Биз ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН – МАЛАЙЗИЯ:

Х. ПАЙДОЕВ (“Халқ сўзи”) олган суратлар.

ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ БОШЛАНДИ

Бу йил Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 33 йил тўлади. Ўтган давр мобайнида икки мамлакат муносабатлари дўстлик, тенглик, ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланиб, изчил ва самарали ривожланиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 4-5 февраль кунлари Малайзияга расмий ташрифи ҳамда унинг доирасида эришилган келишувлар яқин келажакда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни барча босқичда янги марраларга олиб чиқишга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

Ташриф арафасида таҳлилий марказлар учрашуви, Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва маданий мероси тақдимотлари, етакчи олий таълим муассасалари ректорлари форуми ўтказилди. Ҳамкорликни ривожлантириш ва олий даражадаги келишувлар ижросини самарали мувофиқлаштириш мақсадида ташқи ишлар вазирларининг стратегик мулоқоти платформасини ташкил этишга қарор қилинди.

Етакчилар ўртасидаги мулоқот давомида БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги айтилди. Савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги амалий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Товар айирбошлашни кўпайтириш мақсадида Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш, ўзаро саноат кўргазмаларини ўтказиш, Саноат кооперацияси дастурини қабул қилиш борасида бир тўхтамга келдилар.

Малайзия ҳукумати Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини фаол қўллаб-қувватламоқда. Етакчилар 2025-2026 йилларни Ўзбекистон — Малайзия шериклигини инновацион ривожлантириш даври, деб эълон қилишга келишиб олдилар. Бунинг учун эса ташриф доирасида эришилган натижалар ва алоқаларнинг бугунги босқичи етарли. Хусусан, иқтисодий ҳамкорлик янги моделининг устувор йўналишлари сифатида нефтькимё ва кимё, электроника ва яримўтказгичлар саноати, инновацион саноат, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, “яшил” энергетика, зиёрат туризми ва бошқа йўналишларда аниқ келишувларга эришилди. Кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент вилоятида Малайзиянинг етакчи компанияси бошқарувида махсус иқтисодий зона ташкил этилиши белгиланди.

Самарали музокаралар якунида Стратегик шериклик йўлида икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида қўшма баёнот имзоланди. Шунингдек, делегация аъзолари иштирокида “Маҳсулотларнинг “ҳалол” стандартларига мувофиқлигини баҳолаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”, “Божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида”, “Олий таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, суд-экспертлик фаолияти, академик-дипломатик, коррупцияга қарши курашиш ҳамда “ақлли” шаҳарларни ривожлантириш соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги битимлар имзоланди.

Ушбу келишувлар нафақат Ўзбекистон ва Малайзия давлатлари тараққиётига, қолаверса, икки минтақа мамлакатлари ривожида ҳам муҳим роль ўйнайди. Бир мисол, бугунги кунда “ҳалол” маҳсулотларга глобал миқёсда талаб ошиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон ва минтақа давлатлари учун ушбу йўналиш алоҳида аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда мазкур стандартдаги маҳсулотлар бозори жадал суръатлар билан ўсиб, бугунги кунда 2,6 трлн. долларни ташкил қилмоқда. Экспертлар таҳлилига кўра, 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 5 трлн. долларга етиши мумкин.

Малайзия “ҳалол” маҳсулотларни экспорт қилувчи йирик давлатлардан бири ҳисобланади ва озиқ-овқат, косметика ҳамда фармацевтика маҳсулотларини “ҳалол” сертификатлаш борасида жаҳон миқёсида етакчи давлатлар қаторидан жой олган. Бугунги кунда Малайзиянинг умумий экспортида “ҳалол” маҳсулотларнинг улуши 17,3 фоизни ташкил этади. Бу жуда катта кўрсаткич саналади.

Эндиликда ташриф доирасида эришилган битим сабаб Ўзбекистоннинг ҳам бу борадаги кўрсаткичлари салмоғи ошади. Бу эса мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ижобий натижаларни қўлга киритиш имконини яратади.

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 4-5 февраль кунлари Малайзияга амалга оширган расмий ташрифи ушбу мамлакатнинг нуфузли оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилди.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИК ЙЎЛИДА

Хусусан, Малайзиянинг “Bernama” миллий ахборот агентлиги ташрифнинг бориши, музокаралар ва бўлиб ўтган учрашувлар, томонлар ўртасида эришилган келишувлар ҳақидаги мақолаларни тезкорлик билан эълон қилиб борди.

Мазкур ахборот агентлиги мухбирининг ёзишича, “Пердана Путра” ҳукумат мажмуасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Олий даражали меҳмонни Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим кутиб олди ва музокаралар чоғида Ўзбекистон — Малайзия муносабатлари сезиларли даражада фаоллашгани қайд этилди. Шунингдек, томонлар минтақавий ва глобал кун тартибидаги долзарб масалаларни муҳокама қилдилар. Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари Анвар Иброҳим билан учрашув олдидан фахрий меҳмонлар китобига ўз изоҳини қолдирди.

Стратегик шериклик йўлида икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида қўшма баёнотнинг имзоланганини ташрифнинг муҳим натижаларидан бири бўлди. Бу ҳақда “Bernama” МАА, “The New Straits Times” ва “The Star” газеталарида хабарлар берилган. “Бу келишув мамлакатлар ўртасидаги ишончнинг юксак даражасидан далолат беради ва иқтисодиёт, савдо, инвестиция ҳамда таълим соҳаларида қўшма лойиҳалар учун янги имкониятлар очади”, деб ёзилган манбаларда.

Маълум қилинишича, Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўзаро манфаатли ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига ишонч билдирган. Таъкидланганидек, стратегик шериклик ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кенгайтиради ва бу аллақачон ижобий динамикани кўрсатмоқда. 2024 йилда мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 80,9 миллион АҚШ долларига етди, бу эса икки томонлама иқтисодий алоқалар жадаллашаётганидан далолат беради.

“Sinar Harian”, “Malay Mail” ва “The New Straits Times” оммабоп газеталарида давлатимиз раҳбарининг расмий ташрифига доир босилган мақолаларда музокаралар чоғида иқтисодий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани урғуланган. Томонлар янги инвестицияларни жалб этиш ва қўшимча иш ўринлари яратиш имконини берувчи қўшма саноат зонасини ташкил қилиш каби амалий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Нашрларда, шунингдек, Ўзбекистоннинг Малайзиянинг замонавий Ипак йўлидаги муҳим ҳамкори сифатидаги аҳамияти алоҳида таъкидланган. Мақолалардан бирида Ўзбекистон ўзининг географик жойлашуви туфайли Марказий Осиё бозорларига кириш истагида бўлган Малайзия компаниялари учун кўприк вазифасини ўташи мумкинлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, “The Edge Malaysia” молиявий янгиликлар порталида Ўзбекистон ишончли ва вақт синовидан ўтган ҳамкор, дея эътироф этилди. “Икки давлат ўртасидаги шериклик нафақат савдо ва инвестиция, балки технологик инновациялар ва саноатни ривожлантиришни ҳам қамраб олади”, деб ёзган портал мухбири.

Олий даражадаги музокараларнинг яна бир муҳим мавзуси туризм йўналишидаги алоқаларни ривожлантириш бўлди. “Penang Hyperlocal” ва “Buletin Mutiara” нашрларида Ўзбекистон Туризм қўмитаси вакиллари икки томонлама сайёҳлар алмашинувини кенгайтириш имкониятларини муҳокама қилиш мақсадида амалий сафар билан Малайзиянинг Пенанг штатига боргани ҳақида ёзилди.

“Bernama” МАА маълумотига кўра, томонлар қўшма сайёҳлик ташаббусларини йўлга қўйишни режалаштирмоқда, бу эса мамлакатлар ўртасида сайёҳлар оқимини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон, айниқса, бой маданий ва тарихий меросини ҳисобга олган ҳолда, малайзиялик саёҳат ишқибозлари учун истиқболли манзил сифатида қаралмоқда. Ўз навбатида, Малайзия ўзининг курортлари ва ривожланган инфратузилма имкониятлари билан ўзбекистонлик сайёҳларни ўзига фаол жалб этаётир.

Ушбу мамлакат оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Президентининг Малайзияга расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар ривожида муҳим босқич бўлгани якдиллик билан таъкидланмоқда. Стратегик шериклик йўлида икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида қўшма баёнот, иқтисодий ва туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид ҳужжатларнинг, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги шериклики чуқурлаштириш бўйича қўшма режанинг имзолангани — буларнинг барчаси икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичидан далолат беради.

Малайзиянинг нуфузли ОАВ хулосаларида “Ташриф нафақат дипломатик алоқаларни мустаҳкамлади, балки муҳим йўналишларда Ўзбекистон ва Малайзия шериклигини янада чуқурлаштиришга замин яратди, бу эса икки давлат учун янги истиқболларни очади”, деб қайд этилди.

«Дунё» АА.
Куала-Лумпур

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ ОЧИЛАДИ

Ўзбекистон ва Малайзиянинг савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий алоқалари йил сайин ривожланиб боряпти. Икки халқ ўртасидаги ягона дин, муштарак урф-одат ва қадриятларга асосланган дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим таклифига биноан ушбу мамлакатга амалга оширган расмий ташрифи эса ўзаро ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берди.

Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўп қиррали бўлиб, бунда таълим соҳасидаги ўзаро алоқалар катта истиқболга эга. Бинобарин, Малайзия университетлари халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллайди.

Турли соҳалар сингари Ўзбекистон ва Малайзия олий таълим, фан ҳамда инновациялар соҳасидаги алоқалари бугунги кунда изчил ва самарали давом этмоқда. Икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги ташриф ва учрашувлари таълим ҳамда илмий ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиб, кадрлар тайёрлаш йўналишларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга туртки бераётир.

Айтиш жоизки, таълим тизимини модернизация қилиш ва халқаро майдонда интеграциялашувини таъминлаш бўйича икки мамлакатнинг саъй-ҳаракатлари муштарак. Расмий ташрифлар доирасида олий таълим муассасалари иштирокида ташкил этилган форум Малайзия университетлари билан шериклик, илмий алоқаларни ривожлантириш ҳамда талабаларга халқаро билимлар олиш имконини тақдим этмоқда.

Хусусан, таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик сўнгги йилларда университетлараро даражада жадал ривожланаётир. Бу эса юртимизда ўқув жараёнлари сифатини ошириш ва университетлар ўртасида академик алмашинув дастурларини йўлга қўйишга замин яратди. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳамда Малайзия олийгоҳлари ўртасида юздан ортиқ битим, шартнома ҳамда келишувлар амал қиляпти.

Шу билан бир қаторда, Малайзиянинг инновацион ўқув методлари ва халқаро тажрибаси ўзбекистонлик талабалар ҳамда ўқитувчилар учун жуда муҳим ҳисобланиб, бу мамлакатимиз таълим сифати ҳамда илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг 200 дан ортиқ профессор-ўқитувчилари малака ошириш, амалиёт ўташ, турли соҳалардаги ўқув курсларида қатнашиш учун Малайзия олий таълим ташкилотларига юборилгани диққатга сазовор.

Бу йўналишлардаги саъй-ҳаракатлар натижасида талабаларимиз учун Малайзия олий таълим муассасаларида таҳсил олиш имкониятлари ҳам кенгайди. Айниқса, муҳандислик, ахборот технологиялари, тиббиёт ва менежмент соҳаларидаги таълим дастурлари талабалар ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу борада Малайзиянинг Ўзбекистондаги таълим форумлари ҳамда кўргазмалари муҳим ўрин тутаётир. Натижада бугунги кунда мамлакатимизнинг 700 га яқин фуқаролари Малайзия олий таълим муассасаларининг турли йўналишларида таҳсил оляпти.

Малайзия университетлари томонидан Ўзбекистон талабалари учун ажратилаётган грант ва стипендиялар ҳам таълим соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Ушбу грантлар орқали кўплаб ёшларимиз хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда келажакда юртимизда замонавий билимларни қўллаш имконига эга бўлишаётир.

Айни пайтда амалга оширилаётган қўшма таълим дастурлари ва лойиҳалари ҳам кам эмас. Талабалар алмашинуви ҳамда қўшма магистратура ва докторантура дастурлари шулардан биридир.

Шунингдек, ҳамкорлик доирасида қўшма таълим дастурлари ҳамда дуал таълим тизими жорий этилмоқда. Қўшма таълим дастурларини амалга ошириш ўзаро алоқаларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътироф этилади. Бу борада муҳандислик, ахборот технологиялари, тиббиёт ва менежмент соҳаларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ҳозирги кунда юртимизнинг 4 та олий таълим муассасаси Малайзия университетлари билан ҳамкорликда 5 та бакалавриат таълим йўналиши ва 3 та магистратура мутахассислиги бўйича қўшма таълим дастурларини амалга оширмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар таълим туризмини ривожлантиришда муҳим қадам бўлиб, икки давлат ўртасидаги шерикликни янада мустаҳкамламоқда. Туризм, филология, мактабгача таълим йўналишларида талабалар халқаро даражада замонавий билимларни ўзлаштириб, янги Ўзбекистоннинг истиқболли мутахассислари сифатида шаклланиб бораётгани эътиборга моликдир.

Қўшма таълим дастурлари нафақат Ўзбекистон ва Малайзия ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, балки икки мамлакат ёшлари ўртасида маданий ва ижтимоий алоқаларни кучайтиришга хизмат қилмоқда. Мазкур тизим талабаларга назарий таълим ва амалиётни уйғунлаштириш имконини беради. Келажакда дуал таълим орқали талабалар замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлиш билан бирга, ўзаро тажриба алмашишади. Бу эса уларнинг келгусида иш билан таъминланиш имкониятларини сезиларли даражада оширади.

Юртимизда 2025 йил “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ва Малайзия ҳамкорлигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва углерод изини камайтиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилиши кутилмоқда.

Айни йўналишдаги лойиҳалар доирасида қўшма илмий лабораториялар ташкил этиш, олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳамда Малайзия олимлари ўртасида тажриба алмашинуви ва амалиётлар ташкил этилиб, илм-фан ютуқларини ўзаро бўлишиш жараёнлари йўлга қўйилмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ келгусида қўшма онлайн курслар яратиш, виртуал ўқув платформаларини ишга тушириш ҳамда замонавий тадқиқот марказларини ташкил этиш кўзда тутилган. Хусусан, талабаларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳам эзгу режалардан биридир.

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик, пировардида келажак авлод учун янада кенг имкониятлар эшигини очиш билан бирга халқаро майдондаги нуфузини ҳам ошириши, шубҳасиз.

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети
ректори, профессор.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ОМБУДСМАННИНГ 2024 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Йиғилишда Омбудсман томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, инсоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонун билан Омбудсманнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ваколатлари кенгайгани, жумладан, 14-моддага мувофиқ илк бор Олий Мажлис палаталарига маъруза тақдим қилинаётгани айтиб ўтилди.

Маърузада қайд этилишича, 2024 йилда Омбудсман номига Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар сони 23 422 тани ташкил қилган.

Ўтган йили Омбудсман томонидан мурожаатларни ўрганиш натижасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатлари, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан давлат органлари ва идораларига ҳамда мансабдор шахсларга 182 та тақдимнома, талабнома, ариза ва даъво аризалари ҳамда хулоса шаклидаги таъсир чоралари киритилган. Қўлланилган таъсир чоралари 2022 йилдагига нисбатан 35 фоизга, 2023 йилдагига нисбатан 7 фоизга ошиб, ўтган йилда уларнинг 76,9 фоизи ижобий ҳал қилинган. Ҳисобот йилида Омбудсман томонидан ташкилотлар ёки мансабдор шахсларга киритилган тақдимномаларнинг 76 фоизи ижобий ҳал этилган.

Омбудсман томонидан меҳнатга оид ҳуқуқлар билан боғлиқ мурожаатлар ўрганилиши натижасида фуқароларнинг иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ тўловлари бўйича 1 млрд. 832,9 млн. сўм маблағлар ундирилган.

Ҳисобот даврида Омбудсман давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан ўзаро узвий алоқада бўлиши натижасида инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш йўлидаги вазифаларнинг ижро этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратган.

Депутатлар Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти якунлари бўйича тақдим этган маърузасини ижобий баҳолаб, унинг фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг янги таҳрирдаги Конституция ва бошқа қонунларда кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берди.

Йиғилишда депутатлар томонидан берилган саволларга тегишли жавоблар олиниб, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси маъқулланди.

«Халқ сўзи».

Қонун ташаббускоридан — қуйи палатага

ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯНИ ПРОАКТИВ ШАКЛДА ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитасида нафақаларни тайинлаш ҳамда тўлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан “Давлат божи тўғрисида”ги, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонунларга нафақаларни тайинлаш ва тўлаш билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилмоқда. Яъни пенсия олиш ёшига тўлган (эркаклар — 60 ёш, аёллар — 55 ёш) фуқароларга ёшга доир пенсиясини уларнинг алоҳида мурожаатини талаб этмаган ҳолда фуқаронинг иш стажи, иш ҳақи ва бошқа маълумотларини вазирлик ҳамда идораларнинг ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида бир кун муддатда проактив шаклда тайинлаш тартибини жорий қилиш белгиланмоқда.

Амалдаги тартибга кўра, фуқаролар белгиланган пенсия ёшига тўлганидан сўнг пенсия тайинлашни сўраб яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига, Давлат хизматлари марказига ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан рўйхатдан ўтиб, сўровномани тўлдирган ҳолда мурожаат қилади.

Қонун лойиҳасида фуқаро пенсия ёшига етиб, аммо меҳнат фаолиятини давом эттириш истаги бўлганида проактив шаклда тайинланадиган ёшга доир пенсияни рад қилиш тартибини ҳам жорий этиш назарда тутилмоқда.

Қонун ташаббускорларининг фикрича, белгиланаётган нормалар фуқароларга пенсия таъминоти бўйича кўрсатиладиган давлат хизмати сифатини оширишга, ортиқча бюрократик тўсиқлар бартараф этилишига хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари муҳокамасига киритиш учун тайёрланмоқда.

«Халқ сўзи».

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2025 йил 8 февраль

УЛУҒ ШОИР ЖАСОРАТИ

Алишер Навоий — ўзидан улкан мерос қолдирган, бадиий сўз санъатини энг юксак чўққиларга олиб чиққан буюк санъаткор. Бундан олти аср нарида яшаб ўтган бўлса-да, бугун ҳам инсониятни қийнаётган муаммоларга унинг асарларидан жавоб топамиз. Шоир мероси тенгсиз уммон каби ўзига тортаверади, уни ўқиб, уққан сайин бу буюк мероснинг янгидан-янги қирраларини кашф этаверамиз.

Абадият гулшани

1

Улуғ бобомиз асарлари бу, биринчи навбатда, адабий жанрлар такомилидир. Устоз адабиётшунослар Алишер Навоий шеърий мероси 16 хил жанрда эканини урғулайди. Ғазал, рубоий ва бошқа шеърий жанрлар шоир ижодида бутунлай такомилга етган. Мақсуд Шайхзода уни бежиз *“Ғазал мулкининг султони”,* деб атамаган.

Алишер Навоий тарих саҳнасида ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Унинг феномени, шубҳасиз, тамаддунлар ўлкаси — юртимизда кечган юксалишлар, темурийлар салтанатининг, туркий тамаддуннинг дунёга берган буюк неъмати, таъбир жоиз бўлса, “олтин тожи”дир.

Мутафаккир ўз халқига, унинг тарихи ва маданиятига муҳаббатини тил орқали, шу тилда яратилган юксак бадиият намуналари орқали намоён этди. Форсий тилда ашъор битиш урф бўлиб турган бир пайтда туркий тилнинг латофатини намойиш эта олган тенгсиз асарлар яратди.

Алишер Навоий даврида салтанатда тарқоқлик бошланган, Амир Темур юксакка кўтарган маёқлар кундан-кун сўниб борарди. Улуғ шоир бу тарқоқлик ва бошбошдоқлик сабаби маърифатсизлик, илмдан узоқлашиш эканини яхши илғаган.

Тил, адабиёт — маърифатгина инсонни жаҳолатдан қутқара олади. Тил шунчаки маърифат бешигигина эмас, балки миллий ғурур ялови ҳамдир. Миллатнинг ғурурини қайтариш, уни қайта тарбиялаш учун, албатта, ғурурни тарбияловчи восита керак эди.

Тил миллатнинг мавжудлигигина эмас, унинг руҳи, қаноти ва ғурури ҳамдир. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий миллат ғурурини она тил, унинг гўзал ва бетакрор ифодаси бўлмиш бадиий, илмий, тарихий асарлари билан юксакликка кўтарди. Замондоши Ҳусайн Бойқаронинг сўзи билан айтганда: *“Турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ каби руҳ киритди”.*

2

Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”ни ёзиш учун жуда пухта тайёргарлик кўрган. Асар тилнинг инсоният тафаккурида тутган ўрнига берилган баҳо билан бошланади: *“Инсонни нутқ ва тил шарафи билан бошқа махлуқотдан ажратиб қўйган, унинг тили ва нутқининг гўзаллигини намоён қилган, инсонни (ўзининг) берган неъматларига шукр қиладиган қилиб қўйган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин”.* Шоир ўзининг бу фикрларини шеърга кўчириб:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Ки гуҳари шарифроқ йўқ ондин,

шаклида ифодалаган. Аслида, миллат тарихи, инсоният тарихи — бу тил тарихи деганидир. Бирор миллатнинг тарихда қолиши унинг тили тараққиёти, миллат онгининг ривожи тили такомили билан боғлиқ. Ижодкор бу ерда сўздан сўзнинг фарқлилигини, тил ва тафаккурнинг чамбарчаслигини, комиллик маъно нутқининг эгасига боғлиқ эканини қатъий урғулайди: *Яхши сўздан ўлган баданга тоза руҳ етади.*

Алишер Навоий фикрича, сўздан мурод инсондир, инсон маъно нутқининг эгаси. Яъни инсонгина сўзга маъно либоси кийдира олади.

Гарчанд туркий тилда Навоийгача ҳам асарлар битилган бўлса-да, бироқ бу яхлит маданият даражасига кўтарилмади. Шоир таъбири билан айтганда, туркий тил жамиятда тўла ўз ўрнига эга бўлмасдан, “турканароқ” бўлиб қолганди. Давлат юритиш тартиби, ясолар туркча эса-да, ҳалиҳануз ёзув тили, сиёсат тилини туркча деб бўлмасди. Туркий тилда яратилган айрим асарларни истисно қилганда, улар Алишер Навоий кутган даражада эмасди.

“...Султон Соҳибқирон Темур Кўрагон замонидан хуш ахлоқ фарзанди Шоҳруҳ Султон замонининг охиригача турк тилида ижод этувчи шоирлар пайдо бўлди... лекин ижод бобида тилга олинган форсий шоирларга тенг келадиган ёлғиз Лутфийдан бошқа киши пайдо бўлмади...”. Алишер Навоий наздида шерга ҳамла қилиш учун шер бўлиш, она тилнинг жозибасини кўрсатиш учун урф бўлган тилда яратилган асарлардан-да гўзалроқ, мукаммалроқ асар яратиш зарур эди.

Бу манманлик ёхуд кибр эмас. Алишер Навоий айни шу асарида ўзини “тупроқ”, “фақир”, “сўз аҳли хирмонининг бошоқчиси”, “сўз хазинасининг пойлоқчиси” деб атайди. Ўзининг девонлари, “Хамса”си, бошқа адабий асарлари билан Абдураҳмон Жомийдек устозининг эътирофига сазовор бўлган, довруғи “Хитодан то Хуросон”га етган бир пайтда ўзини нақадар камтар тутганини кўрамиз.

Шоир ўзини қанчалик хокисор тутмасин, ўзига ва она тилига қатъий ишонч унинг ҳар бир асари ва сатрида сезилиб туради. Шу туфайли ҳам бутун бошли адабий жанрларни ислоҳ қилади. Фақат жанрларни эмас, онгни, тафаккурни янгилади. Бу улуғ ишда ҳали ҳам давом этяпти. Ўзига ишонгани учун ҳам салафлари ўттиз йилда битган шоҳ асарларни, “Хамса”дек дурдонани агар Яратган қувват берса, ўттиз ойда ёза олишини урғулайди:

Ани дерга бўлса қачон рағбатим,
Эрур онча Ҳақ лутфидин қувватим.
Ки, ҳар неча нутқ ўлса коҳилсарой,
Битигаймен ўттуз йилин ўттуз ой.

Бу ижодкорнинг ҳам ўзига, ҳам она тилининг имкониятига беқиёс ишончидир. *“Агар доно ҳакам тўғрилик билан кўз солиб, бурунги форсий ва сўнгги туркийнинг гўзаллик ва нозикликларидан баҳра олиб, ҳар бирининг баҳоси ва даражасини аниқлаган вақтида, умидим шундай ва хаёлимга бундай келурки, сўзимнинг мартабаси юқори даражадан қуйиға тушмас ва бу тизмаларим юлдузлари энг олий даражадан ўзга ерни эгалламас”,* дея қатъият кўрсатишида Алишер Навоийга хос буюк жасорат намоён бўлади.

“Туркий тилнинг тўлиқлиги шунча далиллар билан исбот қилингач, бу халқ орасидан пайдо бўлган истеъдодли кишилар қобилият ва истеъдодларни ўз тиллари туриб бошқа тил билан юзага чиқармасликлари ва ишга солмасликлари керак эди. Агар икки тилда айтишга қобилиятлилари бўлса, ўз тилларида кўпроқ ва яна бир тилда озроқ айтсалар бўлар эди”.

Буюк аждодимиз туркий тилнинг жозибадорлигини, унда ажойиб сўз ва иборалар кўплигини, бироқ гўзал тарзда, жозибали сатрларда кўрсата олишнинг қийинлиги, шу сабабли ижод оламига энди кириб келган ижодкорлар бу каби мушкулликлардан малолланиб осон йўлни танлашини куюниб қайд этади.

Муаллиф ўзининг “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадое ул-васат”, “Фавоид ул-кибар” асарлари қай тахлит, қай мақсадда юзага келганини баён қилиб, “Хамса”нинг яралишига тўхталади:

“Бу тўрт девон овозасин чун рубъи маскунга еткурупмен, “Хамса” панжасига панжа урупмен. Аввалким, “Ҳайрат ул-аброр” боғида табъим гуллар очибдур, Шайх Низомий руҳи “Махзан ул-асрор”идин бошимга дурлар сочибдур.

Яна чун “Фарҳод ва Ширин” шабистонига хаёлим юз тутубдур. Мир Хусрав дами “Ширин ва Хусрав” ўтидин чароғимни ёрутубдур. Яна чун “Лайли ва Мажнун” водисида ишқим пўя уруб, Хожу ҳиммати “Гавҳарнома”сида нисоримга гавҳарлар еткуруптур. Яна чун “Сабъаи Сайёра” расадин замирим боғлабдур, Ашраф “Ҳафт пайкар”ининг етти ҳурвашин пешкашимга яроғлабдур. Яна чун “Садди Искандарий” асосин хотирим муҳандиси солибдур, Ҳазрати Махдум “Хираднома”сидин кўси ислоҳ ва имдод чолибдур”. Бу асарларни ўз тилида битганидан, она тилининг имкониятларини оламга танитганидан чексиз ғурур туяди.

3

Туркий тилнинг нафосатини кўрсатиш учун араб, форс тилларини яхши билиши шарт эди. Араб ва форс тилларини яхши билгани, ўз она тилига юксак муҳаббати бўлгани учун ҳам Алишер Навоий ҳужжат тили, сиёсат тили, назм тили форсча бўлиб турган бир пайтда катта бир жасорат билан турк тилини байроқ қилиб кўтарди. Ўзининг таъбири билан айтганда, туркий тилда асарлар яратиб, туркий мамлакатларни бирлаштирди — яққалам айлади. Шунинг учун ҳам улуғ алломанинг жасорати ўз она тилига муҳаббати ва уни юксакларга кўтаргани билан белгиланади.

Алишер Навоийнинг ҳар бир асари жасорат тимсолидир. Унинг шеърияти ҳам, “Хамса”си, илмий, тарихий асарлари ҳам юксак бадиий тафаккур намунасидир. Буюк аждодимиз асарлари унинг меросини ўрганиш учунгина эмас, балки ўша давр адабий муҳити, миллат бадиий тафаккур тарихини ўрганишда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Алишер Навоий ойнаи жаҳонни ўз асарларида “Жамшиди жом” деб атаган. Ёхуд бўлмасам, “Фарҳод ва Ширин”да Фарҳоднинг ўз сафари давомида темир одам — роботга дуч келиши орадан неча асрлар ўтиб яратилган роботларни, “Сабъаи сайёр”даги ўзи юрар тахтлар кейинчалик кашф этилган автомобилларни ёдимизга солади.

Фольклорга хос анъаналар шоирнинг “Хамса” достонидаги “Сабъаи сайёр”, “Фарҳод ва Ширин” достонларида янада яққолроқ намоён бўлади.

“Сабъаи сайёр”да етти рақамига ва ранглар алоҳида урғу берилади: етти сайёра, етти кун, етти қаср, етти йўловчи, етти ҳикоя ва ҳоказо. Алишер Навоий асарларидаги рақамлар, ранглар, мифологик образлар талқинида биз халқ ижодига хос хусусиятларни кўрамиз.

Бундан неча минг йиллар олдин аждодларимиз коинот, келажак ҳақидаги орзуларини эртаклар, достонлар орқали ифодалаган. Эртак ва достонларимиздаги учар гиламлар, дунёнинг нариги бурчагидаги воқеаларни акс эттирадиган ойнаи жаҳон, олти ойлик йўлга бир зумда етиб борадиган сеҳрли қуш ҳақидаги тасаввурлари шунчаки хаёл бўлмаган. Бунинг ўз даври учун қанчалик аҳамиятли, бугунги тилда айтадиган бўлсак, инновацион ғоя бўлганини Навоий асарларини ўқиб, англаб етишимиз мумкин.

“Фарҳод ва Ширин”даги Ҳоқон, Фарҳод, Суқрот каби образларни биз халқ достонларидаги образларга қиёсласак, ажиб бир уйғунлик кўрамиз. Бундан ташқари, Алишер Навоий асари асосида бахшиларимиз “Фарҳод ва Ширин” номидаги достонларни куйлашган. Хусусан, Фозил Йўлдош ўғлининг “Фарҳод ва Ширин” достони Алишер Навоий таъсирида юзага келган, халқ оғзаки ижоди қонунияти асосида яратилган достон ҳисобланади.

4

Ислом маданияти, фалсафасисиз Алишер Навоийни англаш мумкин эмас. Бироқ мутафаккир бобомиз мероси шу билан чегараланмайди. Шоир исломий эътиқодга суянган ҳолда ўзигача бўлган жами адабий ва фалсафий қарашларни синтез қила олган, инсон фитрати билан боғлиқ қарашлар чексизлигини, унинг илдизлари инсоният пайдо бўлган давр, қадим тушунчалар ва тасаввурлар билан чамбарчас боғлиқлигини исботлаб бера олган.

Алишер Навоий қарашлари тасаввуф оламида тамомила янгича бир қараш, унинг янги бир босқичи, янги бир юксалишидир. Шубҳасиз, тасаввуф борасида улуғ шоир ўз салафларидан жуда илгарилаб кетди. Она тилининг имкониятлари орқали тасаввуфий тушунчаларни, рамз, тимсол, метафоралар, тасаввуф фалсафаси сарҳадларини янада кенгайтирди.

Шоир туркий тафаккур эврилишларини энг ёрқин, энг кўркам рангларда тасвирлаб, юксак пардаларда куйлади. Туркий халқлар бадиий тафаккурини умуминсоний бадиий тафаккурига айлантира олди.

“Хамса” шунчаки бешта достон эмас. Бу достонларнинг ҳар бири пухта ўйланган, ҳар бири яхлит бир ҳодиса ва айни пайтда бир-бирини тўлдирадиган бир тизимга солинган мукаммал бадиий ҳодиса.

“Хамса”нинг “Ҳайрат ул-аброр”дан бошланиб, “Садди Искандарий” билан тугашида ҳам рамзий маъно бор. Муаллиф бу бадиий мукаммаллик нуқтасида жуда пухта ўйлаб, юксак маҳоратини намойиш этганининг гувоҳи бўламиз. Искандар вафоти олди шундай васият қилади:

Чиқоринг бир илкимни тобутдин,
Ҳамул навъким ришта ёқутдин.
Ки эл солиб ул сори ҳайрат кўзи,
Не ҳайрат кўзи, балки ибрат кўзи...

Шарқшунос олим Н. Конрад айтганидек: “Агар Алишер биргина шу тимсолни яратганида ҳам биз барибир қаршимизда даҳо шоир турганини англаган бўлар эдик”.

Алишер Навоий туркий тил, маданият ва тафаккурнинг ҳосиласи. Чунки чинакам эврилишлар, тарихий бурилишлар, бугунги тил билан айтадиган бўлсак, Ренессанслар биринчи галда тил ва тафаккур билан боғлиқ.

Ҳар ишники қилди одамизод,
Тафаккур бирла билди одамизод.

Алишер Навоий ўз даврининг фарзанди, бироқ у ўз даврининггина шоири эмас. У бугуннинг ҳам, келажакнинг ҳам шоири, файласуфи, тарихчиси, тилшуноси, том маънодаги зиёлисидир. Фикрда, тафаккурда, бадииятда Навоий кўтарилган мақомга инсоният ҳали етиб келмади. Етиб бориш, бу меросни англаш, ўзиники қилиш, ўзига сингдириш эса ҳар бир авлоднинг ўзига боғлиқ. Шоирнинг олам ва одам, инсон қалби ва руҳияти ҳақидаги фикрлари ҳамма даврлар учун долзарб аҳамият касб этаверади.

Алишер Навоий Ватанда туғилиб, Ватанни улуғлаб, Ватанга айланган ижодкордир. Ижодкор бўлмоқ — миллат шаънини юксакка кўтариб, ғурур дарғаси бўлмоқ, деганидир.

Олимларимиздан бири Алишер Навоийни туркий адабиётнинг пойтахти, деб атаганди. Зеро, шоир асарлари бадиий, фалсафий, илмий жиҳатдан мукаммал асарларгина эмас, балки бизнинг тафаккуримизга, онгимизга, шууримизга куч ва қувват берадиган, инсонларни, элларни, элатларни, халқларни бири-бирига бирлаштирадиган маънавий макон ҳамдир.

Ҳар куни Алишер Навоий асарларига юзланишимиз, унинг сўзларини ҳаётимиз ҳақиқатига айлантиришимиз керак. Шунда улуғ бобомиз руҳи биз билан доим бирга бўлади, шунда биз миллат сифатида аждодларга хос бўламиз. Бир байт ўқиймизми, бир сатрми, албатта, ўзининг самарасини беради. Алишер Навоий мероси шундай кучга, шундай қудратга эга.

Мамлакатимиз раҳбари учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғоясини ўртага ташлади. Мана шу тамаддун пойдеворини яратишда, ўзимизни янги тараққиёт даврига тайёрлашда Алишер Навоийдек алломаларнинг фикрига, асарларига суянишимиз лозим бўлади.

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор.

Тарих зарварақлари

АВЛОДЛАРГА ИЛҲОМ САРЧАШМАСИ

Жаҳон тарихида ҳеч бир мутафаккир Алишер Навоийчалик кўп бинолар қурдирган, меъмор санъатини завқ-шавқ билан улуғлаган эмас. Алишер Навоий ўз даромадидан 360 дан кўпроқ турли иншоотлар бунёд эттирган. Улуғ шоир бинокорликда Самарқанд латофатидан, хусусан, Мирзо Улуғбек меъморчилигидан илҳомланган. Айни пайтда ўзи ҳам кейинги авлодларга илҳом сарчашмасига айланган.

Бунёдкорликда буюк мутафаккирни устоз билганлардан бири XVI асрнинг охирги чораги ва XVII асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган Самарқанд ҳукмдори Баҳодир Ялангтўш эди. У ҳам Алишер Навоий каби муҳим иншоотлар қурдиришда ўз даромадидан пул сарфлаган. “Шердор” ва “Тиллакори” мадрасаларини бино қилган.

Баҳодир Ялангтўш “Шердор” мадрасаси пештоқига шерлар ва кийик тасвирини туширишни катта қаҳрамонлик эди. Чунки ўша даврдаги бидъатчилар инсон ва жониворлар расмини чизишни гуноҳ санаган. Ялангтўш вазиятга ечим топиш мақсадида Алишер Навоий ижодига юзланади. Маълумки, ўз даврида ҳазрат Навоий мўйқалам соҳибларига ҳомийлик қилган. Ўзи қурдирган биноларга турли ҳайвонлар тасвирини чиздирган. Бундай журъат Баҳодир Ялангтўшга ҳам илҳом беради.

Алишер Навоий занжирбанд шер суратини чизгани ҳам тарихдан маълум. Улуғ даҳо ушбу суратга ўз орзу-армонларини жойлаган гўё. Не бахтки, ўша занжирбанд шерни Баҳодир Ялангтўш “Шердор” мадрасасида озод тарзда тасвирлатади. Яъни мадраса суратида мутафаккир бобомиз чизган сюжет мантиқий тугалланади.

Алишер Навоий “қўш услуб” деган меъморий ансамблнинг ижодкори саналади. У Сарипулда Инжил анҳори ёнида ҳашаматли “Ихлосия” мадрасаси ва унга юзланиб турган боғоят кўркам “Халосия” хонақосини қурдиради. Баҳодир Ялангтўш ҳам Регистон ансамблини тиклашда ушбу меъморчилик услубидан фойдаланади. Регистонда “Шердор” мадрасасини Улуғбек мадрасасига қараган ҳолда бунёд эттиради. Бу услуб кейинчалик янада оммалашган. Масалан, Ҳиндистон ҳукмдори Шоҳжаҳон Тожмаҳал ва унинг қаршисидаги биноларни шу услуб асосида қурдиради.

Демак, буюк шоирнинг меъморчилик ривожидаги ўрни ҳам катта бўлиб, авлодлар учун ибрат тимсолига айланган.

Эркин МУСУРМОНОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори.

Кичик тадқиқот

«ДЕМАНГИЗ МУНИКИ ОНДИН ТАМАЪ УЗ...»

Ҳазрат Алишер Навоий наинки кеча ёки бугун, балки барча замоннинг энг гўзал шоири, маърифат улашувчи қуёши, сўзию шахсияти билан ҳаммамизга ўрнак бўла оладиган ибрат мактаби, десак, муболаға эмас.

Шоирнинг беназир шеърлари ва уларнинг замирида ётган фикру ғоялар, теран фалсафий мушоҳадалар сўзимиз тасдиғи. Мисол учун, қуйидаги рубоийга эътибор қаратайлик:

Аҳбоб денгизки, хонумондин тамаъ уз,
Не хону мон, кавну макондин тамаъ уз,
Не кавну макон, жону жаҳондин тамаъ уз,
Лекин демангиз муники ондин тамаъ уз.

Мисралардан англашиладики, бизнинг яқинларимиз, қадрдонларимиз мисоли денгиз. Улар бизнинг кўзимизни қувонтиради, оғир кунларимизда мадад бўлади, бизга доим умид беради, ўз маслаҳатларини ҳам аямайди.

Шу билан бирга, шоир рубоийда бировдан нимадир кутиш, тамагирлик каби салбий одатларни қоралайди. Яъни биз оиламизни, рўзғоримизни доим ўзимиз таъминлашимиз шарт. Яқинларимиздан бирон нарса тама қилишга ҳаққимиз йўқ, фақат уларга беришимиз жоиз.

Асарда “хонумон” сўзи инсоннинг борлиғи маъносида ҳам келади. Яъни инсон ўз вужудидан тамагирлик ҳиссини бутунлай чиқариб ташлаши керак. Хўш, нима учун? Чунки маънавий оламга бундан наф катта, яъни ҳеч нарса тама этмайдиган одам барча нарсага ўзи эришишга ҳаракат қилади, кўнгли ҳам гина-кудуратдан холи бўлади.

Шоир бутун оламдан, борликдан тама қилмаслик ҳақида ҳам фикр билдиради. Чунки дунё олдида у бир ожиз яратиқ. “Жони жаҳон” бирлиги баъзи луғатларда “жаҳон ғўзали” деб изоҳланган. Лекин бу ерда борликданда улкан жой маъносида келяпти. Шоир идеалидаги инсон тамадан шу даражада пок бўлиши керак.

Тўртликнинг охирги мисраси жуда теран мазмунга эга. Яъни менга қанчалик панд-насиҳат этсангиз, амал қиламан. Лекин ҳеч қачон Ундан — Аллоҳдан тама қилма деб насиҳат берманг, дейди. Дарҳақиқат, биз бутун ҳаётимиз давомида Яратганнинг марҳамати умидида яшаймиз. Бу, бир жиҳатдан, тамага ўхшаб кетса-да, хайрли ва ҳалол йўлдаги тамадир. Чунки холис яхшиликларнинг барчаси Аллоҳнинг лутф-карами ила амалга оширилади. Одатда, биз яхшилик қилган одамимиз эмас, Яратгандан мукофот кутамиз. Рубоийда ҳам айнан шу маъно, бундай тамадан тийилмаслик сўралади. Шундагина биз бу дунёдаги одамлару борликдан ҳеч нарса умидвор бўлмаймиз, эзгу амалларимизни фақат холисона Аллоҳ йўлида бажарамиз.

Ирода ЭШОНХОНОВА,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 379 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6